



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 12-oktyabr №43 (4493)

Ўзбекистон — Франция алоқалари АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН ДЎСТЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари Осиёнинг йирик давлатларидан бири — Ҳиндистонга қилган давлат ташифи ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очган эди. Давлатимиз раҳбарининг орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг — 8-9 октябрда Европанинг етакчи давлатларидан бири — Францияга расмий ташифи ҳам икки халқ ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Елисей саройида Франция Президенти Эммануэль Макрон билан учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, технологиялар, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Ташиф якунларида кўра, 10 та ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжат имзоланди.

Давлатимиз раҳбари Франция Президенти билан учрашувда таъкидлаганидек, ўзбек ва француз халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига XV аср бошида буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳамда Франция қироли Карл VIIIнинг ўзаро дипломатик ёзишмалари билан асос солинган. Бизнинг "Ўзбекистон — Франция" дўстлик жамияти бундан олти аср аввал боғланган ана шу ришталарни янада мустаҳкамлашга баҳолиқудрат ҳисса қўшиб келаётди.

1998 йилда ташкил этилган "Ўзбекистон — Франция" дўстлик жамиятининг мақсади — икки давлат ўртасида санъат, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Давлат таъкидотлари кўмагида илмий ва маданий алоқаларни кенгайтириш, халқаро ахборот алмашинуви йўлга қўйиш, Ўзбекистонда фаолият юритаётган Франция фуқаролари ва Францияда фаолият юритаётган Ўзбекистон фуқаролари билан ҳамкорликни кучайтириш жамиятининг устувор вазифалари ҳисобланади.

Бу борада Франция элчихонаси ва Тошкентдаги "Француз Альянси" билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунинг самараси ўларок, сўнгги уч йилда Франциянинг Артуа, Пуатье, Тур, Ница университетлари мутахассислари Ўзбекистон Миллий университети,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат юридик университетидаги таълим жараёнларида жалб этилди.

Шу йил июнда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларининг француз тили ўқитувчилари учун "Чет тиллари ўқитишда халқаро тажрибанинг ўрни" мавзусида семинар ўтказилди. Мазкур семинарда Ўзбекистон Миллий университетида фаолият олиб бораган Франц Воерли ўз тажрибаси билан ўртоқлашди ва бир қатор таклифларни берди.

2018-2019 ўқув йилида Франциянинг Анже университетидан Людвин Торте-ре де Сазийи хоним Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтига 7 ойлик мuddатда ўқув маш-гулотларида жалб этилди.

Сўнгги уч йилда Франция олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда "Француз тили" аудио дарслиги (Камий Лаураен, Артуа университети), "Миллий-маданий сўзлар лугати" (Жонатан Ле Конт, Тур университети), "Оғзаки нутқ кўникмалари" (Александр Гроше) дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Бундан ташқари, иккидорли талабаларнинг Эркин Воиждов ва Абдулла Орипов шеърятидан қилган таржималари француз мутахассислари таҳрири остида нашрдан чиқарилди.



ЗАМОН РАССОМ НИГОҲИДА



“Хорижлик ижодкорлар бунни билмаслиги мумкин, лекин ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудидagi биринчи халқаро биеннале бундан ўн етти йил муқаддам Тошкентда ўтказилгани муҳим аҳамиятга эга тарихий факт. Замонавий санъат анжуманларини ташкил этиш анъанаси айнан Ўзбекистонда бошлангани тасдиқ эмас. Ўзбек диёри аздалан Марказий Осиёнинг маданий маркази, Шарқу Фарбни озиқлатирган юксак тафаккур ва истеъдод ўчоғи бўлган. Бу йил Тошкент ва Бухоро саккизинчи замонавий санъат биенналесига мезбонлик қилаётгани чинакам ҳодиса. Ушбу анжуман қўшни давлат ижодкорларида ҳам фахр туйғусини уйғотмоқда. Зеро, халқаро биеннале санъат оламида кечаётган илгор изланишларни намойиш этиб, рассомларни бирлаштириш имконини яратаетир...”

Тошкент халқаро биенналесига иккинчи бор иштирок этаётган қирғизистонлик таниқли рассом Юристонбек Шигаевнинг бу фикрлари оддий таъриф-таъсиф эмас. Чиндан ҳам ўтган йиллар мобайнида Тошкент биенналесига халқаро нуфузга эга катта ижодий анжуманга айланган.

Кўни кеча Ўзбекистон Бадий академияси Марказий қўғазмалар залида очилиши бўлиб ўтган VIII Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесига ўзбек ва жаҳон санъатини ўзаро боғлашга хизмат қилувчи навбатдаги йирик қадам бўлди. Анжуманда ўттизга яқин мамлакатдан бир юз олти нафардан зиёд рассом иштирок этаётгани ижодий изланишлар кўламиндан дарак беради. Европа, АҚШ, Лотин Америкаси рассомлари билан бир қаторда, ҳамдўстлик мамлакатларида ижод қилаётган истеъдодли рассомлар ҳам бу жараёнда фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

► 5

ОБУНА — 2019

Хурматли газетхон,
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига 2019 йил учун обуна бошланди.
Сиз севиб ўқишни ният қилган мазкур нашрга ўз ихтиёрингиз билан обуна бўлишингиз тахририят жамоасига катта куч ва ғайрат бағишлайди.
Обуна ишлари барча алоқа бўлимларида расмийлаштирилмоқда.
Имтиёзли нархларда тахририят билан тўғридан тўғри обуна ташкил этиш ҳам йўлга қўйилган.

Мурожаат учун
телефонлар:
71-233-49-93
Нашр кўрсаткичи: 222
Ташилотлар учун: 223



ИЛҲОМБАХШ ДАЛАЛАРДА

АНДИЖОН. Вилоятда қизгин кечаётган пахта йигим-теримида тарғибот гуруҳи аъзолари кўнгилочар дастурлар билан фаол иштирок этишмоқда. Бўз туманида бўлиб ўтган шундай учрашуларда Ўзбекистон халқ шоири Тулган Низо, Назиржон Саидов, Хуршидабону, Восит Аҳмад, Аваз Абдусалом ҳамда ёш қаламкашлар пахтакорларга бағишланган шеърларини ўқиш билан бирга илгор теримчиларга ўзларининг китобларини совға қилдилар. “Ўзбекконцерт” бирлашмаси хонандалари концерт дастурларини тақдим этишди. Тумандаги “Элдорбек келажак”, “Аҳмадилло доверуги”, “Асбек келажак ифтихори” сингари йигирма учта фермер хўжалиги деҳқонлари бу йил юртимиз хирмонига 2100 тонна пахта териб топширишни режалаштирган. Уларга Асака туманидан келган ҳашарчилар камарбаста бўлиб, ҳозиргача режанинг ярмидан ортиғи бажарилди.

— Мен Асака туманидаги Учтош маҳалла фуқаролар йиғини Қадим қишлоғида истиқомат қиламан. Кўп йиллардан бери туманимиздаги биолог-раторияда ишлайман, — дейди ҳашарчилар гуруҳи раҳбари Гулнора Абдурахмонова. — Пахта йигим-теримидан топган маблагларим оиламизнинг яхши кўнига асқотаяпти. Бу йил теримчиларга яхши шароит яратилган. Дам олиш вақтларимиз ижодкорлар ва санъаткорлар иштирокида мазмунли ўтаяпти.

Кўргонтепа ва Пахтаобод туманларида пахтакорлар ҳузурида ўтказилган учрашуларда ёзувчилар Ҳабиб Сиддик, Дурбек Қўлдошев, шоирлар Баҳодир Андижоний, Орифқожи Мелиев ва ёш қаламкашлар иштирок этиши, санъаткорларнинг қуй-қўшиқлари рақсларга уланди. Вилоятда илгорлар сафида бораётган Кўргонтепа туманидаги “Диёрахон келажак”, Пахтаобод туманидаги “Ваҳобов Зиёдулло” фермер хўжаликлари аъзоларига ҳам китоблар совға қилинди.

ТОШКЕНТ. Ўтган ҳафтанинг дам олиш кунларида бир гуруҳ ижодкорлар Бўка туманидаги “Хўжақўрғон” фермерлар уюшмаси дала-ларида ҳашарда бўлишди. Тушлик пайтида ижодий учрашув ўтказилди. Тадбир уруғчиликка ихтисослашган “Ёқутхон Саид” фермер хўжалиги шийпониди бўлиб ўтди. Замонавий услубда қурилган шийпонда барча шароитлар яратилган. Хўжалик раҳбари Сайдилом Сайдуллаевнинг таъкидлашича, айни пайтда 75 гектар ерда пахта лўппи бўлиб очилган. Теримчилар ўртача 85-100 килограммдан пахта теришмоқда. Мазкур ижодий учрашувда виллоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг виллоят бўлими, “Наврўз” нашриёти, “Тошкент ҳақиқати” газетаси, “Турон-24” ахборот агентлиги, “Ўзбекистон — 24” ва “Тошкент” телеканали вакиллари, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Мухторова, актёр Икhtiёр Отахонов, таниқли шоир Мирзо Карим қатнашди. Мавсум бошланганидан буён теримда жонбозлик кўрсатаётганларга яқинда босмадан чиққан янги китоблар тўплами совға қилинди.



Уюшма фаолиятидан



боева, Н. Қосимова, А. Тоғаев янги шеърларини ўқишди, виллоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи З. Ҳайдарова теримчиларга турли бадий китоблар совға қилди.

Шунингдек, Гулистон туманидаги “Қашқа сув арчаси” фермер хўжалиги даласида меҳнат қилаётган ҳашарчилар ҳузурига пойтахтдан ҳамда виллоят театридан бир гуруҳ санъаткорлар ва шоирлар таширф буюришди.

СИРДАРЁ. Виллоятнинг қайси ҳудудига борманг чаман бўлиб очилган пахтани йигиб-териб олишга ошиқ-ётган шижоатли теримчиларни кўрасиз. Мирзаобод туманидаги пахтазорларда ҳам терим авжиди. Теримчилар гуруҳи раҳбари Абдор Оллоёровнинг таъкидлашича, шаҳардан келган қирқ нафар ҳашарчи кўнига ўртача 80-85 килограммдан пахта теришмоқда.

Гулистон шаҳридан ҳашарга борганлар ҳузурида бўлган ижодкорлар Ҳ. Ортиқ-ровнинг таъкидлашича, пахтакорлар билан бир қаторда, ҳамдўстлик мамлакатларида ижод қилаётган истеъдодли рассомлар ҳам бу жараёнда фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

Хуршида ҚЎЧҚОРОВА,
Норинисо ҚОСИМОВА

АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов ҳаёти ва ижодига бағишланган «Дунёнинг ишлари» номли фотокўргазма ва хотира тадбири ўтказилди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Фафуров, таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ва бошқалар Ўткир Хошимовнинг адабиётимиз хазинасига қўшган ҳиссаси, асарларида Ватанга, халққа бўлган меҳр, садоқат туйғулари юксак бадий талқин этилган эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, адабнинг қарийб эллик йиллик ижодий фаолияти давомида турли тилларда етмишдан ортиқ китоби чоп этилган ва юртимизда унинг асарлари кириб бормаган хонадон йўқ.

Сўз III Иссиққўл форуми иштирокчиларига

Дунё фарзанди, буюк қирғиз адиби, давлат ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг 90 йиллигига бағишланган Учтинчи халқаро Иссиққўл Форуми (5-7 октябрь Бишкек — Чўлпон ота, Иссиққўл) ёрқин воқеаларга бой бўлди. Унда ўттиздан ортиқ дунё мамлакатларидан маданият, илм-фан, адабиёт намояндalар қатнашдилар, яли ва секциялар мажлисларида олтишдан ортиқ сиёсий, маданий-маърифий, илмий маърузалар ўқилди. “Чингиз Айтматов ва ҳозирги замон қаҳириқлари” йўналишида қилинган бу маърузалар гоётада қизиқарли ўтди.

МАНГУ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

Мен ўзим учун ушбу маърузаларда ўртага қўйилган фикрларни башоратдай қабул қилдим. Назаримда, ҳозирги мураккаб замон осмонининг тафаккур қалдирилари янгради. Ўзбекистондан Форумда иштирок этган барча адиб дўстларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашдилар. Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон мавзудига Форумнинг тафаккур доирасига жўровоз бўлдилар. Осмонақун

Ибраимов, Халик Ибраим, Иса Ҳабибейли, Аҳмадjon Мелибоев ва бошқа бир қанча адиб, публицист, адабиётшуносларнинг Чингиз Айтматов ва замон мавзусига бағишланган янги эътиборли китоблари Форумга тақдим қилинди. Андрей Золотов, Мурат Азиев, Олжас Сулейменов, Рустам Хаиров, Эдуард Айварс, Анатолие Морару, Намбарин Энхбаяр, Ирмтрауд Гучке, Осмонақун

Ибраимов, Микола Васкив, Николай Анастасеев, Лян Кун, Эсенбай, Нурушев, Орхан, Сёйлемез Ҳамидулла Болтабоев, Муталиб Баппаев сингари олим ва адибларнинг маърузаларида бугунги дунёнинг сероғрик муаммолари баралла жаранглади. Уларда Чингиз Айтматов ҳақиқатан ҳам дунё миқёсда фикрлардан ва ижод қилган, жаҳонда фикр ва гоғлар тараққиётига мислсиз таъсир кўрсатган ва кўрсатиб келаётган ноёб талант эгаси эканлиги намойён бўлиб турди.

Гоғлар Айтматов ижодиётининг оловли бағридан отилиб чиқаётгани бутун Форум қатнашчилари ва уларни тинглаганлар учун беҳад қимматли бўлди. Кўпчилик ўзини умумбашарий миқёслардаги кашфиётларга дахлдор деб сездилар. Бу Форумга юксак кўтаринкилик бағишлади.

Президентимизнинг Ўзбекистонда Чингиз Айтматовнинг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида чиқарган қарори ва Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган маданий-адибий тадбирлар Форум қатнашчиларининг эътибори ва олқишларига сазовор бўлди. Абдулла Ориповнинг Чингиз Айтматовга бағишланган теран шеърини Сирожиiddин ўқиб берганда Форум бунни шоирнинг улғў сўзидай қабул қилди. Олтишинчи йилларнинг аввалларидан Чингиз Айтматов асарлари Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида худди “Алпомиш” ва “Кунтуғмиш” каби, худди Навоий ва Бобур, Қодирий ва Чўлпон, Ойбек ва Фафур Гулом, Уйғун ва Каҳҳор, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиоров, Ўткир Хошимов ва Шуккур Холмирозев, Тоғай Мурод асарлари каби бош кўтармай ўқилади, уни Қодирийдай миллатни ўйлаган, қўллаган ва миллий озодлик учун жонини тиккан намоянда деб билишади, эъзозлашади.

БИЛДИРИШ

2018 йил 17 октябрь кўни соат 15:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси анжуман залда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Незмат Аминов ижодига бағишланган фотокўргазма ва хотира кечаси бўлиб ўтади. Унда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар олимлар, адабнинг яқинлари қатнашади. Барчани кечага тақдиф этамиз.

► 2

ИНСОНиятНИ МАЪНАВИЙ БИРЛИК ҚУТҚАРАДИ

Ижодкорнинг умри унинг бу дунёда яшаган йиллари билан ўлчанмайди. Бу ҳулоса бошқа касб эгаларига ҳам тегишли, аммо қалам аҳлига кўпроқ дахлдор. Чунки ёзувчининг зўр маҳорат-ла битган асари мустаҳкам қасрлар, маҳобатли саройлардан кўпроқ яшайди, асрдан асрга, даврдан даврга ўтганида маъно-моҳиятини йўқотмайди. XX аср сўз санъатининг ёрқин сиймоси Чингиз Айтматов адабиётга ҳукмрон фирқа мафкураси тамойиллари “ягона олий қадрият, тўғри ва адолатли йўл” сифатида кўкларга кўтарилган бир пайтда кириб келди. Миллий мавзуда ёзилган тоғ ва дашт қиссалари (“Жамила”, “Юзма-юз”) уни мислсиз суҳратга буркади. Ўқувчи бу икки асарда мураккаб ҳаётний воқелик ва унинг теран бадиий таҳлилига гувоҳ бўлди.

Чингиз Айтматов ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида Собик иттифокда, жумладан, Қирғизистонда ҳам юз бера бошлаган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий зиддиятларга, ҳукмрон тузум таназзулига, ҳар турли талотўпларга гувоҳ бўлди. Кўз ўнгига “зўрлик билан тикланган иморат” — шўролар салтанати қулади. Айни шу йиллари эълон қилинган ўқир публицистик мақолалари, фалсафий қисса ва романлари кучли ва таъсирчан мантиққа асослангани, ҳаётга, одамларнинг ўй-орзуларига чамбарчас боғлиқлиги билан бошқа ижодкорлар асарларидан ажралиб туради. Уларда наинки бугуннинг, балки эртанинг, яқин келгусининг, бир миллат ёки мамлакатга эмас, бутун инсониятга дахлдор глобал муаммолар, бошқалар айтишга журъат этмаган аччи ҳақиқатлар юзага чиқди. Адиб ёзувчи сифатидагина эмас, кенг қамровли давлат ва жамоат арбоби, чуқур мушоҳадали файласуф, тинчлик-тотувлик элчиси, қардошлик-дидошлик тарғиботчиси сифатида ҳам дунёга танилди. 1986 йили унинг ташаббуси билан Иссиқкўл бўйида ўтказилган, дунёнинг 18 буюк истеъдоди — Петр Устинов, Федерико Майор, Лисандро Отеро, Дэвид Болдуин, Артур Миллер, Клод Симон, Александр Кинг ва бошқалар иштирок этган халқаро форум адибга янада катта шўхрат келтирди.

— Иссиқкўл форумини ўтказиш гоёси дабдурустдан пайдо бўлгани йўқ, албатта, — деган эди адиб суҳбатларидан бирида. — Биз бунда бугунги кунимизнинг реал воқелиги ва ҳолатидан келиб чиқди. Форум ўзида, аввало, инсон тафаккурининг янгилаштирилиши муҳим сифатидир. — Очиги, бундан ўн-ийгирма йил илгари хозирги даврнинг энг долзарб муаммолари юзасидан фикрлашиб олиш мақсадида бутун жа-

ларидан фойдалана оладиган норасмий бир уюшма тузишга эҳтиёж туғилди.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўтказилган Иссиқкўл форуми тинчлик-тотувлик, яхши қўшничилик, сайёраимизда инсон ҳаётини сақлаб қолиш, ер, сув ва ҳавони келгуси авлодларга мусоффо ҳолда қолдириш масалаларида маънавий жиҳатдан бирлаштириш, масъулиятни тўла ҳис этиш, бепарқ бўлмаслик, имкониятлардан мақсадга му-

ТОҒЛАР ҚУЛАМАСИН, ҲАЁТ СЎНМАСИН

вофиқ ва барчанинг манфаатларига мос равишда фойдаланиш зарурлигини кўрсатди. “XXI аср маданиятининг глобал ва миллий қирралари” мавзусида ўтган бу анжуманда Чингиз Айтматов маъруза қилиб, ер юзида тирикликни сақлашда бундан буюн миллий маданиятлар ва уларнинг уйғун ривожланиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деган авваллари ҳеч қаерда айтилмаган фикрни ўртага ташлади. Дунё бў дадил фикрни эшитди ва унга эътибор қаратди. 2004 йили Иссиқкўлда ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган Евроосиё саммитида, адиб вафотидан сўнг 2013 йили Бишкек ва Чўлпон отада бўлиб ўтган “Чингиз Айтматовнинг Иссиқкўл форуми: миллий маданиятлар мулоқоти ва цивилизацияларнинг ўзаро яқинлашуви” шиори остидаги анжуманда ҳам айни шу гоёяна бир бор тасдиғини топди. Бу тасдиқ инсоният ҳаётини жиддий хавф остида қолдираётган муаммолар ечимини топиш учун янгича, “умумбашарий тафаккур зарурлигини” аниқлагани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Чингиз Айтматов умрининг сўнгги дақиқаларигача миллий ва умуминсоний қадриятларнинг

гунни эмас, эртани, олис келажакни ўйлаб биргаликда ҳал этиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари янада яққол кўзга ташланади. Қолаверса, дунёнинг бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳолати ҳам адабиёт, маданият, санъат намояндларининг аниқ мақсад йўлида бирлаштирилиши, бамаслаҳат ҳаракат қилишини тақозо этмоқда. Шу боисдан ҳам 4-7 октябрь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек ва Чўлпон ота шаҳарларида Иссиқкўл мулоқотининг мантикий давомси сифатида “Чингиз Айтматов ва бугунги давр таҳдидлари” шиори остида ўтказилган халқаро анжуман дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига қаратди.

Анжуман Чингиз Айтматовнинг уй-музеи билан таништириш, Ота-Бейит қабристонига ёзувчи хотирасини ёдга олиш маросими билан бошланди. Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда виқорли Олатоғ этагида, ўттиз еттинчи йилги сиёсий қатағонда ҳалок бўлган ватандошлари, жумладан, отаси Тўракул Айтматов билан бирга мангу қўним топган адиб бугун ҳам бу она-заминда ҳаёт ва тириклик қўшиғи сўнамаслиги ҳақида ўй суриб ётгандек туюлди менга. Зиёратгоҳдаги ёзув — Чингиз оғанинг “Бугун инсон олдиданги энг қийин вазифа — инсонлиқни сақлаб қолишдир” деган сўзларини ўқиб, қўнғилдан шу мулоҳазалар ўтди.

Йигирма беш мамлакатдан келган таниқли жамоат арбоблари, ёзувчи ва олимлар, маданият ва санъат намояндлари тўрт кун давомида Чингиз Айтматовнинг бу дунёда инсон ҳаётини, инсоний фазилатларни асраб қолиш, миллий-маънавий меросни ривожлантириш, бошқаларга нисбатан куч ишлатмаслик, зўравонлик қилмаслик, инсон эрки ва туйғуларини ҳақоратлаш, диний эътиқодни менсимаслик каби ғайриахлоқий таҳдидларга бефарқ бўлмасликка доир даъватлари устида фикр юритдилар. Маърузаларда дунё минтақаларида уруш ҳаракатлари кучайиб бораётгани, қонли тўқнашув ва можаролар сабаб минглаб бегуноҳ одамлар уй-жойи, мол-мулкидан ажралиб қолаётгани, атроф-муҳитга жиддий зарар етказилаётгани, дунёни иқтисодий манфаат нуктаи назаридан қайта бўлаклаш, ижтимоий-ҳуқуқий принципларга амал қилмаслик, маънавий қашшоқланиш, худбинлик, миллий туйғуларини менсимаслик каби иллатлар юзага келаётгани қайд этиб ўтилди. Форумда иштирок этган ўзбекистонлик олимлар Иброҳим Ғафуров, Ҳамидулла Болтабоев, Зухриддин Исомиддинов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирохиддин Саййид ва бошқалар Чингиз Айтматовнинг адабий-маънавий мероси дунёда юзага келаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда бундан буюн ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Қирғизистонлик ҳамкасбларимиз Ўзбекистонда Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини тарғиб қилиш, таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш борасида амалга оширилаётган ибратли ишларга, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик, иқтисодий, илмий, адабий-маданий ҳамкорлик алоқаларини ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳида кучайтириш борасидаги янги сиёсий йўлга юксак баҳо бердилар. Давлатимиз раҳбарининг махсус қарори асосида тайёрланган “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” хотира китоби, шунингдек, адибнинг янги сайланмиси, “Чингиз Айтматов: Давр. Инсон. Ҳақиқат”, “Чингиз Айтматов ва XXI аср” монографиялари адибнинг уй-музейига, Қирғизистон Давлат Миллий кутубхонаси, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ижодий ташкилотларга, айтматовшунос олимларга тўхфа этилди.

Форум якунида анжуман қатнашчиларининг дунё мамлакатлари раҳбарлари, маданият ва санъат арбобларига Мурожаати қабул қилинди.

Аҳмадхон МЕЛИБОВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

МАНГУ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

хозирги замонда туркий халқлар ҳаётидаги ўрни алоҳида ва у замонлардан кўра юксакроқда туради. У ҳаммамиз учун умумтўр ватанпарварлигининг намунаси ва ўлчовидир” деб ёзган эди. Ва бу бениҳоя қимматли мақоласини “Бизни бугун Амир Темурнинг ушбу қибланамоси бошлаб бормоқда, бу тарихий йўналиш, янги минг йиллик арасида бизнинг ўз-ўзимизни таниётганимиз, У биз учун маёқ ва қибланамо”, деб яқунлаганди. Бу бебаҳо сўзлар бизни узоқларга қарашга чорлайди, онгимизни пишиқлайди, келажакимизга умид ва ишонч уйғотди. Бахтли толе мени 1998 йилда Бишкек ва Иссиқкўлда ўтган Иссиқкўл Форумининг Иккинчи анжуманларида иштирок этишга муяссар қилди. Форум улўф адибнинг 70 йил-



лигига бағишлаб ўтказилган ва мен унда бир муҳташам залда ўтириб Федерико Майор, Михаил Горбачев, Сулаймон Демирел, Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, жаҳон маданиятининг бошқа кўплаб арбобларининг сўзларини эшитган, уларнинг сўзлари, нафасларида сайёравий бир рух, нафасни сезган, илган, юрагим олий миқдор фикр шалолалари ва гоёлари билан мислсиз ҳақиқат ва кейин ҳаётда қандай яшамай, қандай қалам тебратмай булар — бу олий овозлар, бу руҳ дунёлари қўлогим ва кўз ўнгимда турганди ва ҳамон шу рух билан нафас оламан. У бизга худди Навоий ва Жомий каби коинотдан кўрсатма бўлиб туради. Чингиз Айтматов бизга сайёравий онг, сайёравий тафаккур тушунарларини мерос қолдирди. Хозирги дунё адабиётлари шу каби унинг гоёлари бағрида тараққий қила бормоқда. Унинг асарларида яхшилик ва ёмонлик ўртасида тинимсиз ва омонсиз жанг боради ва давом этади. Чингиз Айтматов ижодини ўрганиш жуда кўп йўналишларни очмоқда, ўлмас қирралар узра яна ўлмас қирралар намён бўлмоқда.

Ўз маърузамда мен Чингиз Айтматов ижодиётини Қуръони каримнинг муқаддас призмалари, салом гоёлари, ҳазрати пайғамбаримизнинг олий ахлоқ ва маънавият хазиналари бўлиш ҳадислари сочиб турган шуъларларда ҳам ўрганиш зарурлиги, биз бу улўф ижод ва фаолиятга бу беназар қибланамодан қарамаганлигимиз ва бу бизнинг хотирамизнинг бирёқламалигидан бошқа нарса эмаслигини эслатдим ва муқаддас “Зилзила” сура-расидан ушбу ўлмас оятларни такрорлашни орзуладим: “Кимки, дунёда зарра миқдорда яхшилик қилган бўлса, уни кўрар; Кимки, зарра миқдорда ёмонлик қилган бўлса, уни кўрар” (Абдулазиз Мансур таржимаси). Айтматовнинг барча асарларида бу туганмас тугён воқеидир. Яна шу нарсга Қуръон илоҳий башоратларини исботлайдики, Ер мана энди ўз ости-устини кўтариб ташламоқда ва ҳақиқатан ҳам “ўз хабарларини сўзламоқда”. Айтматов асарларига бундай илоҳий сўзлардан айри қараш тўғри бўладими? Унда Исо Масих ҳодисаси, Авдий Каллистратов ҳодисаси, дуо ўқиймай турган Қозонгап ҳодисаси, ва умуман, Айтматов асарларидан қонли дарё бўлиб ўтадиган кетиш, кўчиш, саргардонлик, дарбадарлик, худодан ато ерларни йўқотиш ҳодисаси, “Қулаётган тоғлар”даги башоратлар тушунарли бўладими? Айтматов ҳаётдан ўз йўлбарси каби кетмадики? Ер ва Инсониятнинг энг сўнгги фожиали хабарларини бизга хотира каби қолдирмадики? Чингиз Айтматов биз учун ўз асарлари билан бирга энг қадрдон ва азиз одам эди. У ҳамма вақт бизга Инсон ҳақиқатларини бадиий салмоқдор ва таъсирчан қилиб айтди. У қирғиз халқи ва барча Марказий Осиё халқларининг бахти ва шарафи учун яшаб ижод қилди ва барча туркий тилли халқларнинг янги бадиий қибланамосини яратиб қолдирди.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Чингиз Айтматов номидаги халқаро Иссиқкўл Форумида кун тартибига қўйилган муаммолардан бири “Глобаллашув ва хавфсизлик: Биз ҳаммамиз бир кемадамыз” деб номланади.

Маълумки, Чингиз Айтматов қиссаларидан бирида (“Қирғок бўйлаб чопайтган олапар”, 1979) чўкаётган қайиқда бобо — Орган, ота — Эмрайин, ака — Милгун ва бола — Киришлар ҳаётининг сўнгги кунларини тасвирлаган эди. Бахтга қарши асар қаҳрамонлари сувга фарқ бўладилар, бу билан аввал оталар, сўнг болалар бу оламни тарк этса-да, барибир, табиат қонуни олдидан барча ожиз, ўлим — ҳақ, деган фикрни олға сурган ва инсониятни ҳалокатдан сақлаш учун кемага чўкиш хавфини яқинлаштирмаслик керак, деб огоҳлантирган эди. Тўғри, асар ёзилган пайтда “глобаллашув” ва “ягона ахборий ҳудуд” деган тушунарлар кун тартибига чиқмаган, бироқ Айтматов ижодида умумий хавфдан огоҳлантириш йўли, менингча, ана шу қиссадан бошланган. Сўнгра бу безовтали “Асрни қаритган кун”, “Қўямат”, “Кассандра тамғаси” ва “Қулаётган тоғлар...” да давом этди. Адиб ўша қиссадан қайиқ чўкаётган дунё муаммоларини бир дақиқа жойлаштира олган эди.

Аҳамиятига кўра “Осиёнинг Рим клуби” номи билан юритиладиган Иссиқкўл Форумининг ilk йигинида 17 нафар олим, адиб, давлат ва жамоат арбоби

жамланиб, жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилган, ҳалокат ёқасидаги дунёда инсон қисматидан огоҳлантирган, ижодий кучлар бирлашиб, умумий кемамиз — Ер шарини ҳалокатдан қутқариб қолиш йўлларини излай бошлаган эди. Фаолиятини гарчи собиқ иттифок шароитида бошлаганига (1986), иккинчи йигинини ҳам (1997) постсовет шароитида чақирганига қарамай, Форум умумий хавфга қарши ўз овозини баралла қўйиб, дунё интеллектуалларини огоҳлантирган эди... Учинчи Иссиқкўл Форуми сўнгги йигиндан кейин 20 йилдан ортиқ вақт ўтган, ҳатто анжуманининг ташкилотчиси Чингиз оға вафотидан кейин иш бошлади. Энди шўро

яккаҳукмронлиги барҳам топган, мустақиллик йўлига кирган мамлакатларнинг кучли давлатлар таъсирида қилиб кетиш ҳақида бир мунча бартараф этилганига қарамай, дунё интеграцияси номи остида цивилизацияларнинг яқинлашуви, оммавий маданиятнинг миллий маданият аънааларига чанг солуви, табиатда

экологик муаммоларнинг чуқурлашуви, иқтисодиётда бозор домига тушган даҳолар ва санъат тақдири, бир ахборий ҳудуд ичида яшин тезлигида тарқалаётган бузғунчи ва тақовузор гоёлардан келажакни асраб қолиш каби муаммолар юзага келган эдики, бунга Иссиқкўл форуми ўз жавобини айтиши лозим эди. Агар бир пайтлар Ўрта Осиё адиб ва арбоблари бирлашиб, чўкаётган Оролни сақлаб қолиш устида бош қотирган, бу умумий курашнинг олдинги сафиди Ч.Айтматов турган бўлса, ҳозир ҳам бу муаммо ўз кескинлигини йўқотгани йўқ. Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлат

раҳбарларининг Орол денгизини асраб қолишга бағишланган йиғилиши ўтказилгани ва амалий тадбир-чоралар белгилангани бу глобал муаммога Ўзбекистоннинг ўзига хос дадил жавоби бўлди. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг ҳар бир фуқароси умумжамят ишидан четда турмаслиги Форумнинг дунё халқларига қилган Мурожаатида ўз аксини

топди: “Биз, “Чингиз Айтматов ва замон қаҳури” мавзусидаги III халқаро Иссиқкўл Форуми қатнашчилари, буюк гуманист адиб, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов гоёларини асраш ва ривожлантиришга ҳаракат қилиб, унинг ижодида кўтарилган планетар аҳамиятга молик муаммоларга дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиш орқали жаҳон лидерлари, давлатлар раҳбарлари, маданият ва санъат намояндларига мурожаат қилиб, бутун кучимизни: — халқаро тан олинган хавфсизлик институтларининг бузилишига ва инсониятнинг олий қадриятлари деградациясига олиб келадиган

иқтисодий эгоизм ва маданий маҳдудликнинг ҳар қандай шаклларини бартараф этишга; — мамлакатлар, конфессиялар ва маданиятлараро мулоқотни кучайтириб, жаҳоний муаммоларни куч ишлатиш орқали бартараф этилишига қарши; — ялли хавфга сабаб бўлувчи ўзаро кучлараро тўқнашувларнинг чегарадан ортишига йўл қўймасликка сарфлаймиз. Халқаро Иссиқкўл Форуми бу — ақл-идрок овози, бу — ўзаро мулоқот ва эркин фикр алмашув майдонидир”. Ушбу сўзлар нафақат Форум иштирокчилари, адиблар ва олимлар, балки бутун жаҳон халқларига, биринчи навбатда, аҳолининг зиёли қатламига бу умумбашарий ишга ўз ижоди, илмий ихтиролари, тадбиркорлик фаолияти ва соф виждони билан иштирок этишига даъват ҳамдир. Чингиз Айтматов ижоди — бизни инсоният моҳиятини англашга, эл-халқ нима эканини тушунишга, миллатнинг миллатдек танилишига, инсониятни ялли хавфдан сақлаб қолмоқ учун унинг бор имкониятларини сарфлашга ўргатган оламшумул ижоддир.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ,
профессор

ДУНЁ — БИР КЕМАДА...

АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН ДЎСТЛИК

Бошланиши биринчи саҳифада.

Дўстлик жамияти Олий Махлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 2017 йилги “Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари ҳақидаги ахборотларни миллий ва хорижий ОАВларда кенг тарқатиш, мамлакат ҳудудларида глобал интернет тармоғидан фаол фойдаланган ҳолда туристик ахборот марказларини ривожлантиришга қўмаклашиш” номинацияси бўйича танловда грант лойиҳаси ғолиби бўлди. Ҳозирда мазкур грант доирасида сайёҳлар учун “Гастрономик лугат”нинг (ўзбек, рус, инглиз ва француз тилида) мобил иловаси яратилди, икки ва ташқи туризмининг ривожлантиришга қаратилган бир қанча тадбирлар ташкил этилди.

Дўстлик жамияти вакиллари шу йил августда Швейцариянинг “Лурен таржимонлар уйи” мазкур юрт ёзувчиларининг француз, инглиз ва немис тилларидаги асарларини хорижий тилларга таржима қилиш мавзусида ўтказган халқаро конференцияда қатнашиб, бадиий таржима бўйича стипендияларга лойиҳа кўрилди. Ҳозирда Франциянинг “Галлимард” ва “Фаллуа” нашриётлари билан шартномалар имзоланиб, шу асосда Швейцария адибларининг сара асарлари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Бу – икки халқ ўртасидаги адабий алоқа ва адабий таъсир ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Жамият аъзолари ўтган йил ноябрда Франциянинг Тур шаҳрида бир ҳафта давом этган “Тил ва маданият” фестивалида қатнашиб, “Хорижликлар учун ўзбек тили” дарси, миллий кўргазма ва сахна кўринишларини намойиш этди. Шу фестиваль кунлари Париждаги Ўзбекистон элчихонасида “Ўзбекистон – Франция дўстлик алоқаларининг халқ дипломатияси ривожланишидаги ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда халқаро экспертлар – Европа Парламенти аъзоси Патриция Лалонд хоним, Франция Сенати аъзоси, Лекануэ институтини президенти Иф Поззо ди Борго, IPSE ассоциацияси тадқиқотчиси, Европа геосиёсати академияси бош котиби Жан-Антуан Дюпра, маданий алоқалар бўйича тадқиқотчи Ҳабиби Фатхилар қатнашди. Шунингдек, элчихонамида Францияда таҳсил олаётган ўзбек талаба-ёшлари билан давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

Жамият Ўзбекистондаги Франция элчихонаси, Тошкентдаги “Француз Альянси” ва барча дўстлик жамиятлари билан ҳамкорлик алоқаларини ҳам кенгайтирмоқда. Сўнгги уч йилда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Миллий университетида “Халқаро Франкофония” тадбири ўтказилди. Жамият кўмаги билан Тошкентдаги “Француз Альянси” тадбирларига республикамиз олий таълим юртлиларида француз тилини ўрганаётган талабалар фаол жалб этилди. Ҳар йили июлда Франциянинг миллий байрами кунини муносабати билан элчихонада ташкил этиладиган тадбирлар ҳам жамият аъзолари иштирокисиз ўтмайди.

Дўстлик жамияти республикамизда ҳам мунтазам маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келяпти. Айниқса, француз ёзувчиси Люсьен Кереннинг “Амир Темур салтанати” китоби кўргазмаси, шу китоб таржимаси тақдироти, Ле Клезвионнинг “Мондо” ва Франсуа Мориакининг “Илонлар қонида” асари таржимони Ш.Миноваров иштирокидаги давра суҳбати йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, 2018-2019 ўқув йилида республикамизда француз тилини ўқитишга эътибор сезиларли ўзгарди. Масалан, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро ва Самарқанд давлат университетларида Лингвистика (француз тили) мутахассислиги бўйича қабул йўлга қўйилди. Филология ва тилларни ўқитиш (француз тили) ба-

Адабий дўстлик — абадий дўстлик

калаврият йўналишида қабул квотаси 3 бараварга ошди. Француз тилини ўқитиш ва ўргатишга доир дарслик ва қўлланмалар наشري кўпайгани ҳам бу соҳадаги ижобий ўзгаришлар сирасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон – Франция дўстлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Икки халқ ўртасидаги ҳамкорликни янада юксалтириш учун эса иштиёқ ҳам, имконият ҳам етарли.

Раҳима ШИРИНОВА,
“Ўзбекистон — Франция” дўстлик
жамияти ижрочи директори

АРАГОН — ЎЗ ДАВРИНИНГ АСИЛ ФАРЗАНДИ

XIX аср жаҳондаги айрим-халқлар адабиётида “оптинисар” деб номланган. Бу ўринли таъриф тўла маънода француз адабиётига ҳам таллуқли бўлиб, Бальзак, Беранже, Бодлер, Верн, Верлен, Гюго, Дюма, Золя, Мериме, Мопассан, Прудон, Стендаль, Флобер каби буюк ёзувчи ва шоирлар наинки ўз миллий шеърини, насри, драматургияси, балки башари таълимотининг бойитган бекуёс дурдоналар яратганлар. Бу ҳаётбахш адабий анъаналар XX асрда Аполлинер, Барбюс, Блок, Бретон, Жид, Камю, Матьер, Пруст, Роллан, Сартр, Сент-Экзюпери, Триоле, Элюардек ажойиб француз адиблари томонидан муносиб равишда давом эттирилди.

Атоқли шоир ва адиб, муҳаррир ва ношир, Халқаро тинчлик муқофот совриндори Луи-Мари Андриё – адабий таҳаллуси Луи Арагон 1897 йилда Франция пойтахти Парижда таваллуд топади. 1915 йилдан тиббиёт институтига ўқишга киради ва Биринчи жаҳон уруши жангтоҳларида санитар сифатида иштирок этади. Йигирма ёшдан бошлаб бадиий ижод билан машғул бўлади. У 1928 йил 27 февралда ўша давр рус адабий жамоатчилиги орасида улкан нуфузга эга бўлган аёл, атоқли шоир Владимир Маяковскийнинг яқин дўсти Лилия Брикнинг синглиси, таниқли француз адибаси ва таржимони Эльза Триоле – Элла Юрьевна Каганга ўйланади. Икки ижодкор 42 йил давомида ахилликда умргузаронлик қилишади. Луи Арагон Иккинчи жаҳон уруши йилларида Қаршилик ҳаракатининг фаолларидан бири бўлади. Умуман у ҳаётини романлар ёзиш, тинчликни мустақамлаш ва энг гўзал бадиий намуналарини тарғиб қилишга бағишлайди. Шу маънода Арагон ўз асрининг асил фарзанди эди.

Луи Арагон мероси бешта шеърлар тўплами, ўн иккита роман, кўплаб публицистик мақолалар, эсселар ва таржималардан иборат.

Адиб “Жилдий ўлим” романига баған сўнгсизда: “Биз китоблардан гўё ўз аксимизни кўриб юрган кўзгулардек фойдаланамиз. Гёттени Вертернинг ўлимида айбашмаган, ённи Жюльен Сорель боси Стендальни судга беришгани йўқ. Демак, агар мен ўз асаримда Антоанни ўлдирсам лоақал юмшатгувчи ҳолатларга эга бўламан-ку” деб ёзади. Луи Арагон бир шеърда “Юрагимни қиймаласангиз, тоғгайдирсиз ундан Парижни” деб ёзади. У она юрти Францияни, киндик қони томиган гўзал Парижни, мафтункор Ер сайёрасини, ўз умрини бахш этган бадиий адабиётни, инсон кашф этган мўъжизалар мўъжизаси ҳисобланган китобни беҳад севарди. Ўз юрти ва жаҳон адиблари орасида унинг Поль Элюар, Андре Бретон, Нозим Ҳикмат, Витеслав Незвал, Александр Фадеев, Пабло Неруда, Комил Яшин, Эдуардас Межелайтис, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматовдек (“Жамила” қиссасидан завқланган атоқли адиб ёш ҳамкасбига жаҳон адабиётига кенг йўл очиб берган эди) дўстлари бор эди.

У 1982 йил 24 декабрда оламдан ўтди. Унинг адабий мероси замонамизга беминнат хизмат қилмоқда. Айниқса, ўзбек ва француз халқларининг асрлар давомида тобланган дўстлиги охири, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 1402 йили Франция қироли Карл Vга ёзган мактубларининг тафти, 1996 йилнинг баҳорида Парижда темурийлар даври маданиятига бағишлаб ўтказилган анжуман ҳарорати, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Арагон ва Аполлинер, Бомарше ва Бальзак диёрига давлат таширишининг ҳаяжони дилларимизни қувончга тўлдирмоқда. Демак, икки давлат ҳамкорлиги, икки халқ дўстлиги, икки адабиёт бирдорлиги умумий манфаларимизга мос ҳолда давом этаверади.

Янгибоб ҚҶЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Адабий жараён: муаммолар ва мулоҳазалар

ЎСИШ БОР, АММО...

1. Аввало, тахририятнинг ижодкорлар ва адабиётшуносларга саволлар билан мурожаат қилгани яхши бўлибди. Қўлдан бўён савол-жавоб тарзида мулоқот бўлмаётган эди. Баҳс адабий жараён ҳақида борар экан, Чулпоннинг “Адабиёт надири” мақоласидати: “Ушбу ишадитимиз муҳит доирасида анинг тўлқун олданининг ҳар хил манишати қараб ўзгарадир”, деган сўзларни эслашимиз керак. Ҳаёт мулоқот ўзгаришда экан, адабиёт ҳам ўзгариб бормоверади.

Илк саволдаги “юксалиш” сўзи кишини бироз ўйлантириб қўяди. Чунки биз юксалиш деганда жиддий ижобий ўзгаришларни тушунамиз. Шу жиҳатдан, бугун адабиётимизда шиддатли ўсиш кузатиляпти, десак андак муволаға бўлар. Аммо ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан бирмунча ўзгаришлар борлиги рад этиб бўлмас ҳақиқат. Бу

фикримни адабиётимиз жанр жиҳатидан тобора ранг-баранг бўлиб бораётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Чунончи, кейинги даврда шеърый роман, шеърый қиссалар ёзилаётгани эътиборга лойиқ. Насрда кўпалаб илҳам ҳикоялар ёзилаётгани ҳам диққатга сазовор. Мен бундай асарларни “япроқ ҳикоялар” деб атадим. Жанр табиатида шу атама мос келгандек туюлди. Мазкур жанрдаги асарлар “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари ва “Китоб дунёси” газетасида бот-бот чоп этилиб турибди. Масалан, “Китоб дунёси” газетасининг шу йил 22 август сониди йигирма етти нафар муаллифининг япроқ ҳикоялари эълон қилинди. Ёш носирларимиз йирик жанр – романига дадил қўл ураётгани ҳам адабиётимиз ютуғи. Мисол учун, Бахтиёр Абдулғафурнинг XX аср бошларидаги тарихимизга доир “Қонли гуллар водийси: Мадаминбек” романи мазкур жанр ис-

Рус адабиётшунослари Сергей Гессен ва Лев Модзалевский тўплаб, нашрга тайёрлаган “Пушкин гурунглари” библиографик ноёб китобга айланган. Сўхбат жанридаги ушбу китоб матнидаги даҳоларга хос ифода усуллари, тағдор ҳазиллар, теран фикрлар ўқувчиларда завқ-шавқ уйғотади, фикрлашга ундайди. “Агар ўқувчига ушбу китоб саҳифаларидан Пушкиннинг овози эшитилса, агар у Пушкин-шоирни, Пушкин-адибни билсаю, китобни ўқигач, ўзини Пушкин-суҳбатдош мулоқотида ўтиргандек ҳис этса, демек, биз ўйлаган ниятимизга етган бўламиз”, деб ёзади тўпловчилар. Рус адабиётига, Пушкин меросига ҳурмат сифатида эътиборингизга мазкур китобдан айрим парчалар ҳавола этилмоқда.

1830-1832 йиллар.

Пушкин ўз ишимга жиддий ёндашишимга мажбур қилди. У мени аллақачон катта асар ёзишга қўнғирдан эди ва ниҳоят, бир гал асаримдаги унча катта бўлмаган сахнадан илҳамроқ парчани унга ўқиб берганимда, у аввал ўқиганим кўпроқ ҳайратга солганини эслаб, шундай деди: “Ахир, инсон қалбини унинг барча қирраларини, бутун мураккабликлари билан жонли тасвирлай олиш қобилиятига эга бўла туриб, ҳа, шундай улкан истеъдод билан катта асар яратишга киришмаслик – бориб турган гуноҳнинг ўзи”.

Н.В.ГОГОЛЬ. Муаллиф иқрори.

Бир гал Пушкиннинг олдида кам ўқитганимни тан олдим. У менга таскин берди: “Эшитинг, орамизда қоладиган гап, менинг ҳам ўқишга тоқатим йўқ, кўп нарса ўқимаганман, гапирганимдан кўра. Ўзгаларнинг фикри мени уялтирди. Шундай фикрдаман: дунёда аҳмоқлар йўқ. Кимники ақли бўлса, мени зериктирмайди, қоровулдан тортиб то подшоҳча”.

Я.П.ПОЛОНСКАЯ. Хотиралар.

...А.С.Пушкин бу (“Букри тойчоқ”) эртаники ўқиб бўлган, унинг муаллифи Ершовни ёнига қақриб шундай дебди: “Энди бу хилдаги асарлар ёзишни менга қўйиб берсангиз ҳам бўлаверади”.

А.К.ЯРОСЛАВЦЕВ

Октябрь.

“Белкин қиссалари” нашр этилганидан кўп ўтмай, Александр Сергеевичнинг уйига бирров кирганим, столида ўша китоб ётганини кўриб қолдим. Менинг бу нашрдан хабарим йўқ эди, устига-устак, китоб муаллифи унинг ўзи экани ҳам умуман ҳаёлимга келмабди.

“Булар қанақа қиссалар? Белкин дегани ким ўзи?”, сўрадим китобга кўз қиримни ташлаб.

“Унинг кимлигидан қатъи назар, қисса мана шундай ёзилиши керак: содда, қисқа ва равшан”. Қолганини суриштириб ўтирмадим.

П.МИЛЕР

1831 йилдан сўнг.

У қайта-қайта “Гаврилиада” достонини чуқур ўйламай, енгил-епди қўйганидан жуда азият чекарди...

“Билмайман, бу достонни буткул нутиб юбориш учун нима қилсам бўлади”, дерди ҳар сафар.

А.П.АРАПОВ

19 сентябрь.

...У (Пушкин) зўр бериб, мени роман ёзишга такрор-такрор ундар эди: “Сизнинг ўринида бўлсам, ҳозир роман ёзардим, ҳозирнинг ўзида; ишонмайсиз, менинг роман ёзим келяпти. Аммо йўқ, иложим йўқ: уч марта бошладим, бошлайман-у сабр-тоқатим етмайди, удалай олмаяман”.

1. Кимдир адабиётимиз юксалиш палласида деса, кимдир бунинг аксини тасдиқлайди. Сизнингча, қай бири ҳақ ва нега? 2. Ҳозирги адабий жараёнда қайси муаммо сизни энг кўп ташвишга солади? Ушбу муаммони бартарф этишини қандай самарали йўлни кўрсата оласиз? 3. Кейинги пайтда замондош адибларимиздан қимматини китобларини ўқидингиз? Қайси асар сизга маъқул келди-ю, қайси асардан қўнғингиз тўмади? Бунинг сабаблари нимада? Мазкур анкета ердамида бугунги адабий жараённинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида бир қур фикрлашиб олсак, фойдадан холи бўлмас. Ахир, айтадилар-ку, “Кенгаши тўй – тарқамас”, деб. Шундай эзгу ният ила анкетамиз саволларига навбатдаги жавобни эътиборингизга ҳавола этаётимиз.



тиқболига ишонч уйғотади. 2. Саволда бир муаммони кўрсатиб, таклиф билдиринг, дейилган бўлса-да, уч муаммони қайд этиб, фикримни айтмоқчиман. Биринчиси – бугун адабиёт назарияси бўйича янги тадқиқотларга қучли эътиҳ мавжуд. Жаҳон адабиётшунослигидаги илмий янгиликларни ўзимизга олиб киришимиз, адабиёт ҳақидаги назарий қарашларимизни бойитишимиз текшиктириб бўлмас вазифамиздир. Чунки адабиёт назариясининг ўсуви – бадиий юксак асарлар яратилишига омил бўлади. Иккинчиси – бугун асарлари нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам чоп этилаётган бир қанча таниқли ижодкорларимиз бор. Тўғри, улар ҳақида мақолалар ёзиляпти, тўпламлар чоп этиляпти. Назаримда, улар ҳақида монографик асарлар ёзиш вақти ҳам келди. Ахир, шоир, ёзувчи ёки драматург ижодини мақола доирасида ўрганиш бошқа-ю, монографик планда ўрганиш бошқа. Тўғри, бунга тўсиқ сифатида айрим омил-

лар, масалан, нашр харажатлари, қалам ҳақи кўрсатилиши мумкин. Менинча, қўлашга бундай тўсиқларни ҳам бартарф қилса бўлади. Учунчиси – ўзбек адабиёти намуналарини дунё тилларида таржима қилиш учун малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни таржима қилинажак тил вакиллари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур. Бу соҳада ҳам айрим ютуқларимиз бор, аммо улар асло етарли эмас. Шу йил 7-8 август кунлари Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция бу борада ҳам олға силжиш бўлишига умид уйғотмоқда. 3. Имон қадар янги асарлар билан танишиб боришга ҳаракат қиламан. Аммо уларнинг барчасини ўқишга, бошқа ҳамма ишларни йиғиштириб қўйган тақдирда ҳам, вақт етиши даргумон. Фикримча, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Жаҳон адабиёти”, “Ижод юлдузи” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” газеталарини кузатиб бормаган киши адабий жараёндан ўзилиб қолиши аниқ.

Мавриди келганда, бир пайтлар Пушкиннинг улар (Гоголнинг “Ревизор”идаги гийбатчилар) ҳақида айтган гапини эслаш лозим: “Бу жанобнинг хонимлар билан мулоимини ва зукко, сўзни саралаб сўхбат қилиши шартмикан! Қаердан, қандай топиш мумкин бунақасини? Ҳамма бало шундаки, бизнинг ўша укамиз аслида ҳеч қаерда йўқ-да!”.

П.А.ВЯЗЕМСКИЙ хотираларидан.

1836 йилга яқин.

Пушкин... гоголча услубни маъқулламасди. “Бу ерда охиригача айтилмаган нимадир бор, — деди у, — чунки нутқнинг чўзиқлиги ўқувчи таъсирчанлигини сувайтиради, энди-гина ўқиган нарсаси дарров ёдидан кўтарилишига сабаб бўлади... Бунинг акси — гапнинг лўндалиги, бу — куч, уни осонгина ёдрок этган ҳар бир киши чуқур ҳис қилади... Фикр ифодаси сингари нутқ ҳам лўнда бўлмоғи лозим... Гоголнинг мавҳумлиги бизга бу имконни бермайди. У ўсқоқчилаган жонли тиллар табиийлиқдан йироқ; аксинча, эртанамо... Мана шу қавм турмушидан — темирчи Вакула билан осмон остидаги шайтон образидан қисса яшашнинг иложи йўқ... Бу печанинг устида, гиштининг тафтида одамнинг жонли тушларига қаттиқ таъсир кўрсатувчи бувайларнинг қандайдир чўпнагига ўхшайди...”.

В.И.ЛЮБИЧ-РОМАНОВИЧ хотираларидан.

...Пушкинга “Ўлик жонлар” асарининг илк бошларини ўқиб бошлаганимда, у ҳар доим-гидай ҳолатда эди. Мен ўқиганда доим қуладиган (у қулги, хурсандчиликка мойил эди-да) Пушкин секин маънос тортиб, хафалиги ортиб бораверди ва ниҳоят, батамом қайғуга ботди. Асарни ўқиб тугатганимда, қайғули оҳанда деди: “Худойим, бизнинг Россия-миз қанчалар гамгин!”.

Н.В.ГОГОЛЬ. “Ўлик жонлар” ҳақида тўрт мактуб “дан.

Мана, нима деган эди менга Пушкин Гогол ижоди ҳақида: “Ревизор” — бу ҳам менинг гоём. У айнан йигирманчи йилларга оид, ўшанда мен Новороссийскда эдим... Хлестаков типини тирик шахс сифатида кузатганим... У, табиатан Митрофанушка, фақат кўпроқ ишлов берилган ва озроқ яшартирилган... Ўзининг феъллига кўра, содда ва камтар... аммо Гоголь бу хислатларни Хлестаковга беролмаган, бунинг ўрнига унга бир қадар сурбетлик ва таптортмас аҳмоқона иллатларни ёпиштирган... Ҳа, айнан “таптортмас тентак”, чунки Хлестаков аҳмоқ ҳокимнинг оилавий даврасида ўзининг аҳмоқона аҳолини англаб етмади, аммо ҳар ҳолда уни қўллаб-қувватлайди; таптортмаслиги шундаки, унинг аҳмоқона фикрлари уезд бошлиқларининг бетайин гапларидан кўра пешроқ бўлган... Ҳатто, ўша вақтда мен ярим сургундагидай яшаган Одессанинг олий губернияси ҳокими Гоголнинг Сквозник-Дмухановскийсидан кам эмасди... Ўзининг мулоим ва раҳмдил феъли билан “Николай урушлари” давридаги таниқли маъмуриятчи граф Киселев, Молдавия ва Валахия ҳокими, кейинчалик давлат мулки вазири ҳам аслида Сквозникка ўхшаган бўлган, чунки у ҳам камердинери (уй хизматкори)га қулоқ солган: “буни” жазолаш, “уни” авф этиш керак, деган гапларини амалга оширган ва ҳоказо”.

В.И.ЛЮБИЧ-РОМАНОВИЧ хотираларидан.

1836 йил.

...Дўстларининг унга маслаҳат, насиҳатларига Пушкин шундай жавоб берган: “Мен бутун мамлакатга даҳлдорман ва истаиманки, менинг номим қарғасига етиб борган бўлса, барчасида даҳлсиз бўлмоғи лозим”.

П.А.ВЯЗЕМСКИЙ хотираларидан.

Рус тилидан ҲУМОЮН таржимаси.

Менга маъқул келган асарлар анчагина — катта авлоддан тортиб ёш ижодкорларгача. Жараён деганда кейинги бир-икки йилни назарда тутсак, насрда Хурийд Дўстмуҳаммад, Абдуқаюм Йўлдош, Шойим Бўтаев, Қўчқор Норқобил, Назар Эшонқул ва бошқалар ўқиниш роман, қисса, ҳикоялар ёзиётганини таъкидлаган бўлардим. Шеърятда Усмон Азим, Икром Искандар, Фахриёр, Райрат Мажид, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзоларнинг шеърый тўплам ва туркумлари, Шарифа Салимованинг “Тумарис” достони, Ойдинни-сонинг “Авф” шеърый қиссаси китобхонларга маъқул келди, деб ўйлайман. Ушбу рўйхатдан мақсад — адабий жараёнда фаол иштирок этаётганларни назардан қолдирмаслик.

Бугун китобхоннинг кўнгли тўлмайди асарларни истаганча топиш мумкин. Бу масала менда бир андиша бор: бир одам китоб ёсса, ҳомий топиб чоп эттирса, қалам ҳақи олмагайи етмагандек, китобни ҳам ўзи тарқатса, бунинг устига яна танқидчилар “дўппосласа...” Ҳўп, танқидий мақола ёзилди ҳам дейлик. Мақола матбуотда ё чиқали, ё йўқ. Чиксада қисқартиришлар бўлган. Газета-журналлар чоп этишни бўйига олса, бадиий жиҳатдан бўш асарларни таҳлил қилиб, танқидий мақола ёзувчи олимлар топилади. Шундай мақолалар ёзилиши учун мунаққид меҳнати, албатта, рағбатлантирилиши лозим.

Ҳаётда бўлгани каби, адабиётда ҳам ҳар доим муаммо бўлади. “Ҳар бир ҳал қилинган муаммо интинсини тугайдири” (Гёте) деган гап бор-ку, ахир! Мухими — ҳар бир муаммога ўз вақтида оқилона ечим топа олсак, бас.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ, филология фанлари номзоди, доцент

Гулчеҳра ЖҲРАЕВА

DYOЛАРДА ХИКМАТ БОР

Кўйсани

Ёшим улғайган сари,
Ота юртга тортмоқда.
Соғинчим, садоқатим
Борган сайин ортоқда.

Тўшимга бот-бот кирар
Чорминорнинг кўчаси.
Мадрасаю мачитлар,
Обидалар нечаси...

Миноран Калонни
Кучоқлагим келади.
Лаби Ховуз бўйида
Ўйноқлагим келади.

Атрофи баланд девор —
Аркда бордир изларим.
Уста Ширин нақшларин
Кўзуларда излардим.

Сино кутубхонаси —
Билимлар кони шунда.
Кўнгил ўртаси қўймас,
Қатнамасам ҳар қунда.

Миноралар бошига
Уя қуради лайлак.
Ёз келди, деб ҳайқириб
Юғурдик жонҳалак.

Гулзор ичра яшнаган
Тош ҳовлимни соғиндим.
Болаликда тўқилган
Шўх ҳовримни соғиндим.

Уч опа-сингил аро
Зар дўши талашганим...
Кечагидек эсимда
Онамга қарашганим...

Дўст, дугона, синфдош
Назаримдан ўтмоқда,
Жон-жигарим, қон-қардош,
Интизорлар кутмоқда.

Йўқ, бормасам бўлмас ҳеч,
Тинчлик бермас соғинчим...
Бугун, эрта эмас кеч,
Шоширмоқда қувончим.

Ўзхор

Гулдастлар тутдингиз,
Қадим қилдингиз расо.
Саксон эмас, юзда ҳам
Керакмас менга асо.

Ўзал гулда мужассам
Туйгу — меҳр ҳислари.
Таъзим сизга шеърсева —
Шофиркон, мухлисларим...

Қайфият

Борлигини билдирар ҳар тонг кўёш,
“Ассалом” деб олқишлайман кунимни.
Субҳидамдан режа тузар нотинч бош,
Мендан кутар ниймдаги унумни.

Нимагадир дилим бутун ғаш жула,
Бекорликдан чарчайман, завқим йўқ.
Юмушим йўқ, илҳом эмас авжида,
Одатдаги ғайратларим, шавқим йўқ...

Одамларнинг орасига чорландим,
Йўлим тўсди бир йигиту ёш жувон,
Кўзларида армон билан зорланди:
“Фарзанд тилаб дуо қилинг, Онажон!”

Вужудимда уйғонди ҳис-ҳаяжон,
Кимдир яна омад сўраб очди қўл...
Биров деди, орзуларим жуда мўл,
“Умр тилаб дуо қилинг, Онажон!”

Кексаларнинг дуосида бор ҳикмат,
Шафоат ҳам, Оллоҳ берар марҳамат.
Эл камоли, юрт жамоли мужассам,
Кўнгил тўлар шаънига бир лутф десам.

Эзуликка интиқ инсон ҳар доим,
Яхшиларга керак экан дуюйм,
Айланайин, сизга садқа сўзим ҳам,
Дуо қилиб, дуо олдим ўзим ҳам.

Рухимдаги гулча гуллар очилди,
Таровати сатрларга сочилди...

Ассалом, қадим шаҳрим,
Бобо ҳам бибим шаҳрим.
Бунча зебо бўлибсан,
Ўзга оро берибсан.



Хуррият шабодаси
Манглайингни сийлабди.
Сенга ободлик истаб
Тақдирингни сийлабди.

Ассалом, тилло шаҳрим,
Нақибанд, зиё шаҳрим.
Одамлари қўли гул,
Меҳнатда аъло шаҳрим.

Она юрт гулгожисан,
Саждагоҳим, ҳожимсан,
Ҳаж сафарим қабул эт,
Зиёратим мақбул эт...

Тил ва дил

Билсанг агар, дўстинг тилдир,
Билмасанг — душман эрур.
Хушхабар ҳам шумхабарни
Унга танҳо дил берур...

Тил бошқаю дил бошқа гар,
Ўртада сарсон виждон.
Тил билан дил ойна агар
Зиёга бошлар ниймон...

Тилингда эрк берма зинҳор,
Ўноҳларга ботасан.
Оқибати ўз-ўзинга
Ёмонлиқни ортасан.

Алдовлардан зала ишонч
Соддаликдан эзилар.
Ҳатто тўғри ҳақиқатдан
Гумонсираш сезилар.

Ёлғонларнинг умри қисқа,
Фош бўлганда ишларинг.
Ул суяксиз тилларингни
Тишларинг билан...

Ойгул СУЮНДИҚОВА

DARĖTA IVA TAYLLADIM

Зомин шаршараси

Бу не мўъжизадир, бу не ҳаёлот
Минг йиллик тарихинг оқмоқда қайдан?
Бунчалик мовийсан, сирли самовот,
Кечиб ўтдим сутдай шарқироқ сойдан.
Улкан харсанг тошлар ялтироқ, қадим
Ёрилтош ортидан мўралар эрта.
Ана, дарвозалар очилди сим-сим,
Жавоҳир сочилди этак ва этак.
Зомин шаршараси, Зомин тоғлари,
Табиат ижоди, арчазорлари.

Тошбағир сўқмоқлар кўтарилар тик,
Сени олиб борар тиниқ сой сари.
Юзингга урилар сувлари муздек,
Тетиксан, тетиксан тоғлар сингари.
Уларга ҳавасинг ортади минг бор,
Қўлини узатар тонг чоғи кўёш.
Лаҳзалар югурик, арчалар — бедор,
Тобора юксалиб боргучи бардош.
Зомин шаршараси, Зомин тоғлари,
Табиат ижоди, арчазорлари.

Афсона тингладим, рақсга тушди
Тераклар учиди ҳаворанг шамол.
Юрагимда ажиб туйғулар жўшди
Шаршара бўйида, эй, соҳибжамол!
Зинадан пастлайман, шовулар қадам,
Одамлар тўлқини тинмас эрта-кеч.
Кўз ўнгимда шундай безавол олам,
О, инсон шунчалик гўзалликка ўч!
Зомин шаршараси, Зомин тоғлари,
Табиат ижоди, арчазорлари.

Бу ердан ортимга қайтгим келмайди,
Мафтунман шаршара — афсунгар қизга.
Бошқасига сирим айтгим келмайди,
Сувлар олиб кетсин олис-олисга.
Бир зум бу дунёни, ўзингни унут,
Шаршарани эшит, гўзал суҳбат қур,
Сени тинч қўймайди жилвагар сукут.
Тубида аксланар тинч самовий нур.
Зомин шаршараси, Зомин тоғлари,
Пойингизда кечди қумуш чоғларим!..

Қишлоқда

Атроф жимжит туюлар, лекин
Абадийдир жило ва гулув.
Ҳар дақиқа қуйилар бетин
Азалийдир муҳаббат, сулув.

Шу ер менинг илк ишқим — лолам,
Тилларимдан ҳеч тунмас ғазал.



Шу тупроқда туғилди болам,
Менинг каби овоз ва гўзал.

Шу ер — менинг туғилган уйим,
Шу ер — менинг отам ва онам.
Шу ер — менинг биринчи куйим,
Шу ер — менинг сўнги остонам.

Дарёга гул ташладим,
Оқиб кетди ҳаёлдай.
Уфққа кўз ташладим,
Бахтни кутган аёлдай
Дарёга гул ташладим...

Дарёга гул ташладим,
Ой билан, юлдуз билан
Гулдай суза бошладим,
Кучгандай елни улкан...
Дарёга гул ташладим...

Дарёга гул ташладим,
Рух оташ, жоним оташ.
Майсалар кўз ёшлари —
Ичиб юборди кўёш!
Дарёга гул ташладим...

Фироқ даштларида саргардон шамол
Дарё ёмғирларни бошлаб келади.
Кипригиди шабнам уйғонган аёл
Йўлида ғамларни ташлаб келади.

Шоҳларида булбул сайраган гулнинг
Ишқи осмонларга бориб туташди.
Кўёшга элгучи энг узун йўлнинг
Қўйлар умримга тўлди — дил тошди!

ШУКШИН Василий Макарович (1929 йили Олтой ўлкаси Бийск тумани Сропки кишлоғида туғилган. Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Дастлабки ҳикоялар тўплами — «Қишлоқ одамлари» (1963). 1964 йилда Василий Шукшин сценарийси асосида «Шундай йигит яшайди» фильми суратга олинган ва ушбу картина Венецияда бўлиб ўтган 16-Халқаро кинофорулда «Олтин шер» мукофотиغا сазовор бўлган. Унинг «Ўқибиллар» (1965) романи, шу роман асосида ишланган «Ўқибилларнинг тугатилиши» (1972) фильмида, Степан Разин ҳаёти ва унинг курашига оид «Сизга эркинлик бергани келдим» киноманида (1971), «Характерлар», «Сизнинг ўлимиз ва акангиз» (1966), «Ҳаройиб кишилар» каби кинокартиналарида инсоннинг тегран ички кечинмалари, орзу ва умид сари талпинишлари, баъзи бир кимсаларда учрайдиган меҳнатчи фалсафасининг фожиаси олиб келиши маҳорат билан тасвирланган. С.Герасимовнинг «Кўл бўйида» фильмидаги Черних роли ижроси учун Шукшин Давлат мукофотиغا сазовор бўлган (1971). Унинг кўплаб асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.



Чол қимирламайди. Офтобдан қорайиб, этлари тиришган кўлар тизза энди беажаол. Юзи ҳам бўймайган, намланган кўзлари нурсиз. Ингичка бўйни устидаги кичкина оппоқ калла қимирламайди. Кўк чит кўйлак остидан елка суяклари бўртиб турибди.

Бу ҳол ҳар кун такрорланади. Шундай кунлардан бирида чол орқа томондан овоз эшитиб қолди: — Салом, буважон! Чол бош иргачи.

Унинг ёнига ясси чамадонча кўтарган қиз ўтирди. — Дам оляписи? — Дам оляпман, — бош иргачи чол, қиз томонга қайрилиб ҳам қўймай.

— Мен сизни чизсам майлими? — сўради қиз.

— Қанақасига? — Расмингизни чизсам?

Чол кўёшга термулганча бир мунча муддат жим қолди, киприксиз қиз-ғиш қовоқлари учиб қўярди. Сўнг:

— Чизадиган жойим қолибдими менинг? — деди.

— Нега энди? — Қиз бироз ўнғайсизланди. — Кўринишингиз бир чиройли, буважон.

— Ўлай деб турган бўлсам... Қиз чолга анча тикилиб турди.

Кейин юмшоқ бармоқлари билан чолнинг қуруқшаган жигарранг қўлини аста силаб деди:

— Йўқ, сиз жуда ҳам чиройлисиз, буважон. Рост!

Чол беажаол жилмайди. — Унақа бўлса, чизсанг чизавер.

Қиз чамадонини очди. Чол кафтини оғзига қилиб йўталиб олди.

— Шаҳарлик бўлсанг керак-а? — Ҳа, шаҳарликман.

— Бу ишингга ҳақ тўлашса керак? — Яхши чикса, тўлашади.

— Ҳаракат қилиш керак. — Ҳаракат қилишман.

Жим қолишди.

Қиз чолнинг юзига тикила-тикила чизапти.

— Буважон, сиз шу ерликмисиз?

— Шу ерлик.

— Шу ерда туғилганмисиз?

— Шу ерда, шу ерда.

— Нега ёшга бордингиз?

— Саксонга.

— Ох-о!

— Ҳа, етишиб қолдим, — яна беҳол илжайди чол. — Сен нечага кирдинг?

— Йигирма бешга.

— Яна жим қолишди.

— Кўёш қандай-а?! — секин хитоб қилди чол.

— Қандай? — тушунмади қиз.

— Каттақо-он.

— Ҳа-а, бу ерда манзара жуда чиройли экан.

— Сувга қара, қарагин... Нариги қирғоққа қара...

— Ҳа, ҳа.

— Худди қон қўшилгандай.

Дарҳақиқат, шундай. Қиз нариги қирғоққа назар ташлади.

— Ажойиб!

Кўёш Олтой чўққиларини ёритиб, аста-секин узок кўкмир оламга ботиб борарди. У чўккан сари, тоғ қоялари яққолроқ кўринади. Улар гўёки олдинга сурилиб келаятгандек эди. Дарё билан тоғ ораллиғидаги водийнинг қора-қизғиш туси сўниб бормоқда. Тоғ томондан юмшоқ соя тушиб келмоқда. Кўёш Бобурхон тизмасининг ортига яширинган захотиёқ, ўша томондан кўкмир осмонга ёрқин алаңга нурлари таралди. Кўп давом этмади — алаңга ҳам сўнди.

Худди шу онда ўша томонларда тонг нурлари чарақлаган.

— Кетди кўёш, — хўрсинди чол.

Қиз қорғозларини чамадончасига жойлади.

Бир мунча вақт жим ўтиришди — майда тўлқинларнинг қирғоқ бўйлаб таралаётган шилдирашини тинглаб.

Водий узра парча-парча туман суза бошлади.

Яқиндаги ўрмон томонда қандайдир тунги қуш аста қийқирди. Унга жаво-



бан дарёнинг нариги томонидан ҳам қушлар овози эшитилди.

— Яхши, — деб қўйди чол босиқ овоз билан.

Шу дамда қиз тез кунларда қадрдон шаҳрига қайтиб кетишини ва ўзи билан бир талай расмларни олиб боришини ўйлаб кетди. Шу жумладан, мана шу буванинг расми ҳам бўлади.

Уни кутиб олажақ дўсти, иқтидорли, ҳақиқий расмояна яна қойилди: «Яна шу бўймайган башаралар. Кимга керак? Сибирликлар... Совуқ иқлим ва оғир меҳнатдан ҳаммаси шунақалигини барча билади-ку!»

Қиз ўзининг иқтидор бобида мактанадиган жойи йўқлигини яхши билди. Лекин у рўпарасида мункайиб ўтирган чолнинг машаққатли ўтмишини кўз олдида келтира олади. Унинг қўллари шундан дарак эмасми?.. Ажинлар ҳам!

«Ишлаш керак! Ишлаш, ишлаш...»

— Бу ерга эртага ҳам келасизми, бува? — сўради қиз.

— Келаман.

Қиз ўрнидан қўзғалиб, қишлоқ томон йўл олди.

Чол эса яна бироз соҳилда ўтирди. Сўнг у ҳам кетди.

Ўйга келиб, одатдагидек ўзи ўрганиб қолган бурчакка, печ ёнига ўтирди ва жимгина кута бошлади — қачон ўғли ишдан қайтиб келишини ва кечки овқатга ўтиришларини.

Ўғил доимо чарчаб келар ва ғам-шикоятдан бошқа гапи йўқ эди. Келин ҳам ўшқириб, тақир-туқир қилгани қилган. Набиралар вояга етиб, шаҳарга кетиб қолшган. Уларсиз уй гурбатхона.

Кечки овқат. Сутга бўлка тўғраб, чолнинг олдида қўйишади. Стол чети-

зук яшайтган эмиш. Меҳмонга келиб кетишди. Набиралар бир талай. Ҳам-

маси мени яхши кўришади. Лекин, барчаси у шаҳар, бу шаҳарда...

Қиз чолнинг қўллари чизмоқда, шошилиб-шошилиб. Асабийлашади, ўчириб, қайта-қайта чизади.

— Қийинчиликда яшаган бўлсанглар керак? — ўйланиб сўради у.

— Нима? Қийинчилик? — чол ҳайрон бўлади. — Айтдимку сенга, яхши яшаганимиз, деб.

— Ўғилларингизни йўқотганингизга ачинадими?

— Ачиниш — гап эканми?

— Яна ҳайрон бўлади чол. — Тўртта азаматни бериб қўйиш — ҳазилмас-ку!

Қиз ҳам ҳайрон — шунақа йўқотишга қарамай, чол ўзини хотиржам тутишига.

Кўёш яна тоғлар ортига чўкмоқда. Яна жимгина алаңга таралмоқда уфқда.

— Ёмғир ёғади эртага, — деб қўйди чол.

Қиз ёруғ осмонга боқиб:

— Қаердан билдингиз?

— Ҳамма аъзоларим зирқираб оғриятти.

— Қўкда булут йўқ-ку?

Чол индамади.

— Эртага ҳам келасизми, бува?

— Билмадим, — ўйланиброк жавоб қилди чол. — Ҳамма ерим оғриқ.

— Бува, мана бу тошни сизларда номи нима? — Қиз камзулининг чўнтагидан тиласимон ярақлаб турган оқ тош чикарди.

— Қанақа тош? — сўради чол, ҳамон тоғ томон тикилганча.

Қиз унга тошни узатди. Чол қайрилиб ҳам қарамай қўл чўзди.

— Буми? — чол қараб-қарамасданок кўриб, қақшаган бармоқларида тошни айлантираркан. — Чақмоқ тош. Уруш йиллари гургут йўқ, нукул шунда олов чикарардик.

Қизнинг миясига ялт этиб: «Қўрмайди шекилли?» деган гумон келди. У нима дейишини билмай чолга ён томондан боқиб туриб қолди. Чол эса ҳамон кўёш ботган томон термуларди.

Ўйчанлик билан тикиларди.

— Ма, тошингни олиб қўй, — қизга қайтарди чол. — Бундан ҳам чиройлилари учрайди. Баъзан оппоқлари, тиникранглари учрайди, шундай тиниқки, ичидаги доғлари ҳам кўриниб туради. Яна, тухумсимонлари ҳам бўлади, ҳаққанинг тухумига ўхшаш, ёнлари хол-хол. Майнаникига ўхшаганлари ҳам учраб қолади, қўм-қўқ, улар ҳам сепкилли.

Қиз ҳамон чолга тикилганча турарди. Сўрагани журъат қилмади: ожизми ё йўқ?

— Буважон, қаерда яшайсиз?

— Унақа узоқмас. Манави Иван Колоколниковники, — дарё қирғида-

ги уйни кўрсатди чол. — Орқасида Волокитинларники, кейин Зиновьев-

ларники, ана ундан кейин, мулошидан кейин бизники. Бирор зарурат бўлса — қиравер, бемалол... Набиралар олдимиздалигида қандай гавжум эди-я...

— Раҳмат.

— Мен кетдим энди, ҳамма ёғим зирқираб кетаяпти.

Чол ўрнидан туриб, сўқмоқ бўйлаб кетди.

Қиз унинг ортидан, тор кўчага бурилиб кетмагунча қараб турди. Чол бирор марта ҳам қўқилмай, бир текис борарди. У шошилмай, оёқ остига қараб босарди.

«Йўқ, ожиз эмас, — тушунди қиз. — Сал-пал хиралашган бўлса керак қўзи».

Эртаси кун чол соҳилда кўринмади. Қиз ёлғиз ҳолда, чол ҳақида ўйларди: «Унинг ҳаёти оддий, айни пайтда содда кечмаган. Бир ажиб нарс бўлса керак, қандайдир идрок этиб бўлмай-диган. Кўёш ҳам оддий кўринади, эр-талаб чиқади, оқшом ботади. Аммо бу оддийлик ортда...».

У чизмаларини кўздан кечира бошлади. Юрагида ғашлик сездиди.

Чол кейинги, иккинчи, учинчи кунлар ҳам кўринмади.

Қиз унинг уйини қидириб кетди. Топди. Каттагина уйнинг ҳовлисида, бостирма салқинида эллик ёшлар чамасидаги бир эркак тахта рандаларди.

— Салом, — сўрашди қиз.

Одам белини тиклаб, қизга тикилиб, бошмалдоғи билан пешона терини артаркан, бош иргачи:

МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

Президентимизнинг жорий йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан давлат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида жамоатчилик кенгашлари тuzилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузурида ҳам ана шундай Жамоатчилик кенгаши тuzилди. Шу муносабат билан вазириликда ўтказилган йи-

ғилишда маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифаси давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқаролар ва давлат органлари ўртасида ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилиши лозимлигини таъкидлади.

Жамоатчилик кенгаши раиси ва аъзолари рўйхати низом асосида шакллантирилди. Жамоатчилик кенгаши таркиби раис, раис ўринбосари, котиб ва

аъзолардан иборат бўлиб, кенгашнинг қарорлари тавсиявий ҳусусиятга эга ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз: жамоатчилик кенгашлари давлат органи раҳбарининг қарорига асосан тuzилиб, унга меҳнат фахрийлари, обрўли фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари вакиллари қабул қилинади.

Моҳигула ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

“СЎЗИ РОСТУ, АММО...”

Назаримда, санъатнинг шарафли, аммо мураккаб йўлларида дадил юришнинг бирдан-бир чораси устозлар этагидан маҳкам ушлаш, суяниш ва доимо улардан ибрат олишдир. Шу ўринда машҳур ҳофиз Расулқори Мамадалиев ҳаётидан бир ибратли воқеага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Кўкон урфий ижрочилигининг энг етук вакилларида бири сифатида Расулқори Мамадалиевнинг хонандаликда кўл урмаган усулини топиш қийин. У мақом ва маком йўлидаги ашулаларни, яълау лапарларни, лирик ашула ва кўшиқларни бир зайдда маҳорат билан ижро эта оларди. Ҳофизнинг ишқи ўша даврда энди пайдо бўлган Маъруфхўжа Баҳодиров басталаган “На қилдим” ашуласига тушадиган, тинчини йўқотадиган. Бироқ ижро этишга журъди етмайдиган. Ҳазалдаги бир сўзининг маъносини билмас экан-да. Бу сўз маъносини қишлоғидаги, ҳатто кўшни қишлоқлардаги зибиллардан сўрайди, суриштиради. Бироқ жўяли жавоб ололмайди. Ахир, ўша пайтларда (70-йиллар) Қўқондаги Муқимий музейида ишлаб юрган аруз билмидони, ғазалнавис шоир Чархий домланинг ҳузурига бориб, устозга ўз мақсадини айтиди.

— “На қилдим санго ман ёрим, жамолингдин жудо қилдинг, Бошимда гарду ғамни чун чароғи осий қилдинг” байти билан бошланувчи ашулани роса айтгим бору айтолмайманда, домла, — дейди ҳофиз.

Шоир сабабини сўраганида ғазалдаги “чароғи осий” сўзига тушунмаётганини айтиди.

— “Чароғи осий” тегирмоннинг чироғи дегани, — жавоб беради Чархий. — Унга кўп чанг, ғубор қўнади, оқибатда нури хираланиб боради. Гард, чангнинг кўплигидан менинг бошим ҳам тегирмон чироғига айланиб қолди, яъни мен сенга нима қилдимки, мени жамолингдин жудо қилдинг, бошимда гарду ғамни чароғи осий қилдинг, демокда устоз Хувайдо. Буни тўла тушунтиришимизга бир кун ҳам камлик қилади, ҳофиз. Ҳазални кўп ўқинг, ашуласини кўп айтгин. Шунда бир-биридан гўзал таъсирчан маъноларни, иштибоҳларни топасиз, иншооллох.

Шу мулоқотдан сўнг “На қилдим” ашуласи ҳофиз ижро дастурларининг қўрқига айланади. Расулқори Мамадалиев кўзи ожиз бўлса-да, “йиқилмаган” эди ўшанда.

Бу ибратли мулоқотни беқорга келтирмадик. Зеро, ғазал куй ипига терилган дур бўлса, куй ғазал риштасини бебаз турувчи марварид. Хар икки риштага тизилган дуру марваридлар мўътабар. Ўз талқинида оҳанг ва сўз моҳиятини тўла-тўқис етказиб олмайдиган хонанда эса ҳали баркамоллиқдан йироқда, кўп изланиши лозим. Ачинглиги томони шундаки, ҳозир унвонларга сазовор ижрочиларда ҳам сўзни бузиб айтиш ҳоллари учраб туради. Сўз, оҳанг ўйғунлигини етарлиқча хис қилишга интилишнинг истамган хонандаларнинг бефарқлиги оқибатида “Муножот”, “Соқийномаи савти қалон”, “Сўлим” каби кўлаб нодир ашулаларнинг ижроси саёзлашиб борапти. Боз устига уларни “замонавийлик” ноқибни остида қайта ишлаётганлар ҳам учиб кетаяпти.

Яқинда анчайин машҳур бир хонанда ижросида Алишер Навоий ғазали билан айтилмаган ашулани эшитиб қолдим. Ўйноқирок куйга солинган. Шунинг ўзидек ғазал салохиятига бир мунча пугур етказгандай, назаримда. Устига устак ғазал матнининг шинавандага етиб боришча маълум даражада монелик қилувчи баъзи иллатларни ҳам сезгандай бўлдим. Ҳазал кўш қофияли. У шундай мисрлар билан бошланади:

Меҳр кўп кўргүдүм, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон бәсе қилдим фидо оромижоне топмадим.

Дарвоқе, бу ғазалга XX асрнинг 70-йилларида машҳур созаанда, бетакорр бастакор Саиджон Калонов томонидан ноёб куй басталанганки, у ҳар қандай мақом оҳанглари билан беллаша олади. Халқ ҳофизлари Ортықхўжа Имомхўжаев, Муроджон Аҳмедов, Маҳмуджон Йўлдошев каби ўнлаб хонандалар томонидан қойилмақом ижро этилган бу ашула. Аслида, бундай нодир асарларга ҳурмат-эътибор билан ёндошмас ахширок бўларди.

Кўш қофияли бу ғазалнинг илк қофияси “меҳрибоне”, “оромижоне”, “дилистоне”, “достоне” тарзида бўлиб, иккинчи қофия ўзгаришсиз “топмадим” тарзида келган. Хонанда эса бу сўзларни “меҳрибони”, “оромижони”, “дилистони” деб ижро этди. Ҳазал неча байдан иборат бўлса, у шунча хато қилди — “йиқилди”. Бу ҳолат, биринчидан, хонанданинг ғазал шаклидан, айниқса, аруз

Мулоҳаза

илмидан беҳабарлигини англатади. Иккинчидан, ижро маданиятининг асосий омилларидан бири бўлиш талаффуз ҳоидларига ҳам тўғри келмайди. Ҳатто шёрий матнни яхши билгани ҳолда маъносига тушунмай ёки эътибор бермай кўлайверадиган хонанда, Имом Ғазалий таъбири билан айтганда, “Сўзи росту, аммо ўзи ёлгончи одамлар тоифасидандур”. Демак, бу тоифадаги санъаткорлар ўз фаолияти давомида кўп бор “йиқилиши” эҳтимолдан холи эмас.

Профессионал хонанданинг ўз овозига мос нарсаларни топиб айтишида ҳам катта ҳикмат бор. Маълумки, ҳар овознинг ўз ранги, шираси, туси, қўлами бор. Бундан ташқари, ҳис-туйғулар бир-бирига яқин, ҳатто ўхшаш бўлса-да, уларнинг инсон қалбига кечиб жараёни хилма-хил бўлиб қолаверади. Бу жараёнинг ёш билан, тафаккур, ақл билан, ирода билан боғлиқ жиҳатлари бор. Шунинг учун бўлса керак, кўп ҳолларда бир ижрочи бир хил ашула ёки кўшни икки марта ўзгаришсиз ижро этолмайди. Балки шунинг учун ҳам ижрочилар, айниқса, хонандалар орасида “овозимга мослаб олдим”, “ижро мактабим шунча” деган гапларни кўп эшитамиз. Асли ижродаги мусиқий безакларни ўз ижросида аниқ акс эттиролмаган ижрочида мактаб, услуб нима қилсин?! Мен ўз ижро услуби, мактабига эга бўлган жуда кўп санъаткорлар билан суҳбатлашганман.

Ижролари ҳақида сўз борганда, ҳаммамиз муҳтарам устоз академик Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов мактабининг талабаларимиз, дейишарди гурур билан. Бу мактаб талабаларининг бирортаси “йиқилганини” эслолмайман. Чунки у ижро ва илм даргоҳининг тамал тоши, устунлари миллий мусикамизнинг энг нодир қатлами бўлиш мақом шаклига келтирилган оҳанглардан барпо қилинган эди-да...

Санъатшунос олим Отаназар Матёкубовнинг таъкидлашича, мақомлар нафақат ўзбек мусикаси, балки боши берк кўчага кириб бораётган Ғарб мусикасига ҳам тўғри йўналиш бера оладиган салохиятга эгадир.

Ҳўш, биз нима қилияпмиз?

Шарқ мусикасини сунистеъмоил қилияпмиз. Ғарб оҳанглари томон югуриб кетяпмиз. Бунақада, албатта, қоқиламиз, “йиқиламиз”.

Ешларнинг ижросига назар солайлик. Аксар овозлар бир-бирига ўхшайди. Мен ёшларнинг жуда кўпчилигининг овозида бугуннинг машҳур икки кўшиқчисининг овози оҳангини сезгандай бўламан. Қўшиқлар, уларнинг ижроси шунчалар бир-бирига ўхшашки, қиёфасини кўрма-гунингизча қимлигини билолмайсиз. Албатта, тақлид хонандалик санъатидагилар илк бор қадам қўйётган ёшлар учун табиий ҳол. Аммо радио-телевидениеда тақлидга асосланган бундай ижроларни қамайтирса бўлади-ку. Поп-музик йўналишида (аксарият ёшларнинг ижроси шу йўналишда) ўз кучини сарфлаётган кўшиқчиларнинг сай-ҳаракати билан ўзбек фольклор мусикасининг шакли, баъзи ҳолларда мусиқий, шёрий матнлари ўзгариб борапти. Бу аҳволда, яъни халқ оғзаки ижодиётига тегишли куй-қўшиқлар шу зайдда ўзбосишмачилик билан ижро қилинаверса, биз келажақда ёшларга халқ оғзаки ижодиёти намуналари деб нимани кўрсатамиз, ҳайронман. Бу “йиқилганимиз”дан далолат эмасми?

Афсуски, бундай ноҳуш ҳолатни мумтоз мусиканинг нодир намуналари ижросида ҳам учратамиз. Масалан, “Қоши ёсинму дейин...”, “Кўча боғи-2” ашулаларини юзлаб хонандалар ижро этишган. Бироқ уларнинг деярли бирортасида Ўзбекистон халқ ҳофизси Орифхон Хотамов ижросидаги вазиимлик, раволик, дард, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий ижросидаги изтиробни топа олмайсиз. Шунинг учун ҳам ижронинг мураккаб йўлларида сирғаниб, “йиқилиб” юраимиз.

Менинчча, “йиқилмаслик”нинг асосий омилли асл ижроларга суяниш, уларни ардоқлаш, улардан унумли фойдаланиш ҳамда янги-янги қирраларни излашдан тўхта-маслик. “Билдим”, демаслик...

Ўлмас РАСУЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти, доцент

Бошланиши биринчи саҳифада.

“Санъат ва технология. Инкор ва тасдиқ”. Бу йилги Тошкент биенналеси учун шундай мавзу танлагани бежиз эмас. Ҳақамлар ҳайъати раиси, россиялик таниқли санъатшунос Дмитрий Булатов таъкидлаганидек, “Биеннале доирасида тақдим этиладиган ижодий лойиҳалар замонавий технологияларнинг тасвирий санъат билан ҳамкорлигини кўрсатиш баробарида уларнинг жамият ҳаёти, инсон тафаккури ва руҳиятига таъсирини ҳам мушоҳада этади. Рассомлар ўз ижодий изланишларида экологик муаммолар, технологик тараққиёт жараёнининг ижобий ва салбий томонларини очиб беришга ҳаракат қилишган”. Тўғри, тасвирий санъатнинг анъанавий кўринишларида кўнканан томошабин учун инсталляция, видеоарт, фото-арт сингари замонавий йўналишлару турли услублар ўйғунлигида яратилган лойиҳалар бироз эриш туюлиши мумкин. Бироқ мувожаат қилинган мавзуларнинг глобал аҳамияти, ижодий ва технология жihatдан қизиқарли ечимларга бойлиги санъат ихлосмандларини беъэтибор қолдирмаслиги аниқ.

Айниқса, Марказий кўргазмалар залида очилган асосий экспозиция концептуал изланишларга бой.

Намойишлар залига кириш жойида бизни истеъдодли ижодкор Хулқар Юнусовнинг гаройиб лойиҳаси қарши олади. Катта қўти шаклидаги инсталляция юзасида “хешигет” номи билан машҳур панжара белгиси тасвирланган. Уларнинг бирида томошабин ўз аксини кўрса, бошқасида қора туйнук ичига назар ташлайди. Интернет тизимидаги

лоийҳасида ҳам акс этган. Икки қўтни дурбин кўринишидаги мосламага назар солган томошабин аввалига мовий рангдаги мавҳум шакллари кўради. Секин-аста тасвир аниқлашиб, дурбинга қараётган олам ўз қиёфасини томоша қилаётгани маълум бўлади. Яъни илгор технологиялар ёрдамида яратилган виртуал олам, бир қарашда, мавҳум шакллarga бой бўлса ҳам, аслида инсон образи, унинг сийрати билан бевосита боғлиқ. Қозғистонлик рассом Гуля Громова ҳам

дарҳол кўзга ташланмайдиган тағ маънога эга ифода воситаларидан фойдаланган. Унинг “Дунё овозлари” номли рангтасвир ишларида юзлари яширин одамларнинг кўй ҳаракатлари тасвирланган. Син-қизил назар солинса, уларнинг ҳар бири алоҳида маънога эгалиги, айримлари маълум бир миллатларга тегишли экани маълум бўлади. Оммавий маданият ривожини миллий маданиятларга хос индивидуал-ликини қолдириб, уларнинг бир қолипга тўшиб қилишга сабаб бўлмоқда.

ТАҚДИРНИНГ ИНОЯТИ

Замонавий ҳайкалтарошлик мактабининг етакчи вакилларида бири Қурбон Норхўрозов қадим санъат сирларини таниқли рассомлар Анвар Раҳматуллаев ва Улуғбек Мардиевдан ўрганди. Мамлакатимиз мустақиллиги рассом ижодида янги мазмун ва моҳият бахш этди. Миллий анъаналарга бой маҳобатли ҳайкаллар ҳиёбонлар ва боғларга ўзгача фойз бағишлашида Қ.Норхўрозовнинг ҳам ҳиссаси бор. Рассом асарларини қузатар эканмиз, у ҳайкалтарошлик санъатида ўзига хос ижод услубига эга эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ижодкор ёғоч, бронза, мис, шамот каби материаллардан асарлар ишлар экан, уларнинг ҳар бирига меҳр билан сайқал бериб, мукаммал санъат асари даражасига етказди. Замон воқеа-ҳодисаларига бефарқ бўлмаган ҳайкалтарош бугун ҳам фаол изланишда. Суҳбатимиз ижодкорнинг болалиги ҳақидаги ҳикоясидан бошланди.

— Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани, Сўфи қишлоғида туғилганман. Ўзбек оилаларининг анъанасига кўра бувимнинг (отамнинг онаси) қўлида тарбия топганман. Бувим ҳар кеч ўқлашимиздан олдин турли эртаклар, ривоятлар, достонлар, қиссалар айтиб берарди. Бувим образга кириб,



жонли сўзларди, эртакдаги қаҳрамонлар гўё атрофимизда юргандек таас-сурот ўйготарди. Бора-бора бувим таърифлаган тойчоқ, отлар, дарёлар, дарахтлар, эртак қаҳрамонларининг расмини чизиб севишли машғулоти-мга айланди. Бошлангич синфда қўйётган пайтим Холмон муаллим деворга осилган тахта олдига чиқариб, табиат манзарасини чизибни бурюди. Ўшанда ўзимни рассомдек туйиб, манзарани аниқ ва чироқчи чиздим. Ўйга ва-зифа берилганда ҳам табиат манзарасини чизиб бордим. Устозим расминини ўқувчиларга кўрсатиб, роса мактади. Мақтовдан руҳланиб, яна сурашлар чиздим, рассомликка қизиқ-қилиш ортиб борди. Яхши кўринган расмларни “Гульхан” болалар журна-лига жўнатдим. Расмларим босилма-ган бўлса-да, таҳририятдан жавоб хат-лари келган. Унда чизишдан тўхтамас-лигим, янада яхши ишлашим ҳақида ёзилганди. Мактабни тугатган йили П.Беньков номидаги рассомлик билим юртига ўқишга киришмадим. Икки йил ҳарбий хизматда бўлдим. Очиги, олий ўқув юртига киришим осон кечмади.

Бахтимга, 1977 йили Театр ва рассом-лик санъати институти қошида тайёр-лов курси очилди. Икки йил тайёрлов курсида ўқиб, ўқишни давом эттирдим. Ўқиб даври ва ундан кейинги йил-лар ижодкор кўлаб асарларни мух-лисларга тақдим этди. Миллий анъа-наларга асосланган ва қисман янги шакл-шамойил касб этган ўз йўна-лишини, услубини яратди. “Келинчақ”, “Она замин”, “Замон садоси” синга-ри асарлари мамлакатимиз галере-яларидан ўрин олган. Айниқса, ўрик ёғочидан ясалган “Она замин” асари Тасвирий санъат галереясини бе-заб турибди.

Термиз шаҳридаги “Алпомиш” ҳай-калини ишланганига ҳам ўн саккиз йилдан ошди. Халқимизнинг афсона-вий қаҳрамони образини янада мукам-


рофи очиб айвонда гипсдан ясалган Алпомиш от устида, гўё учиб кетаёт-гандек...

— “Алпомиш” достони болалигим-даёқ қалбимга сингиб кетган, десам бўлмага бўлмас, — дейди мусаавир. — Биз болалар камон ясаб, Алпомиш-га тақлид қилиб, кир-адирларда чо-пганимиз кечагидек эсимда. Тақдир-нинг иноятини қаранг, йиллар ўтиб мен бир бўз бола ҳайкалтарош бўлиб, Алпомишнинг минг йиллик юбилейи-га бағишланган ёдгорлик яратиш жа-

раёнида қатнашганимдан қувонаман. Бугун Алпомишнинг маҳобатли ҳай-кали узоқ муддат туришини ҳисобга олиб мисдан ясаганман. Баландлиги беш ярим, узунлиги етти метр бўлган ҳайкалтарошлик мажмуаси ўн метр-ли устунга ўрнатилади. Умумий ба-ландлиги эса ўн беш ярим метр. Ҳай-кал муҳлисларга ёқади, деган умид-даман.

— Ҳайкалтарошлик санъат тур-лари ичиде энг машаққатли соҳа бўлиб, ҳам руҳан, ҳам жисмонан оғир меҳнатни талаб қилади. Ранг-тасвирда ижод қилганингизда ижодингиз қўлами бундан ўзгача бўлармики... Афсусланмайсизми?

— Махсус тайёрлов бўлимида Ра-ҳим Ризомуҳамедовдан рангтасвир сирларини чуқур ўрганиш билан бир-га, ҳайкалтарошлик эскизларини ҳам чизардим. Институти қабул бошлан-ганда тайёрлов курсидан чекланган миқдорда ўқувчилар қабул қилингани учун рангтасвир бўлимида ўрин бўлмаган. Шунда ҳайкалтарошлик бўлимига олишган. Шундай бўлдики, ўқиб, ижодий ишлаш жараёнида дунё миқёсида рангтасвир ва ҳайкалтаро-шликда (бошқа йўналишларни камсит-



маган ҳолда) томошабинлар қалбига кириб борадиган ҳақиқий, фалса-фий санъат намуналарини яратиш мумкин экан, деган ҳулосага келдим. Эҳтимол, рангтасвирчи бўлганимда асарларим сони кўпроқ бўлиши мум-кин эди. Лекин ҳайкалтарошлик асар-ларим озми-кўлни чет эл галереяла-ридан, Англиядаги “Замона” галере-ясидаан ўрин олганидан кўнглим тас-кин топади.

— Мустақиллик йилларида санъ-атнинг барча соҳалари қатори ҳай-калтарошлик ҳам ривожланмоқда. Бу соҳанинг келажаги ҳақида қан-дай фикрдасиз? Ҳайкалтарошлик-да устоз-шогирд анъаналари қан-дай давом этапти?

— Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур (Илҳом Жабборов асари) ҳай-кали мустақиллик шарофати билан бунёд бўлди. Улуғ шоирлар Алишер Навоий ва Бобур ҳайкаллари ўрнати-лди, атрофи боғу бўстонга айланди. Шу кеча-кундузда ҳар бир вилоят ва ша-ҳарда буоқ алломаларимизнинг ҳай-каллари ўрнатиляпти. Айниқса, 2018 йили бир қатор атоқли шоир-ёзув-чиларнинг ҳайкаллари яратилди.

Равшан Миртожиев, Илҳом Жаббо-ров, Анвар Раҳматуллаев, Абдумўмин Бойматов, Аҳмад Шоймуродов чин маънода ҳайкалтарошлик санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Ажойиб ҳайкалтарош Азамат Хотамов-нинг ишлари музейлар, галереялар-дан ўрин олган. Раҳматли Мухтор Аб-локуловнинг томошабинлар қалбини ларзага солувчи асарлари санъат му-зейларида сақланади. Халқимизда “От ўрнини той босади”, деган мақол бе-жиз айтилмаган. Устозлар И.Жаббо-ров, Р.Миртожиев, А.Хотамов ижод қилиш баробарида талабаларга билим бериб, қўлаб ёш ҳайкалтарош-ларни етиштиришди. Шулардан бири Жасванд Анназаровнинг ижо-ди ёш ҳайкалтарошлар орасида кўзга яққол ташланди. Ёшлар бизга қараган-да анча ҳаракатчан, янги ғоялар усти-да тинмай изланишда.

— Ижодкор ҳамиша бедор, ди-лида янги асар, мавзу тугилиб ту-ради. Сизни бугун қандай мавзу-лар безовта қияпти, нималар би-лан бандсиз?

— Албатта, ҳар бир ижодкор асар-лари ғоясини олдиндан ўйлаб юради. Алпомиш ҳайкали устидаги ишлар ни-ҳоялангандан кейин ўйлаб қўйган ижо-дий ишларим бор. Насиб қилса, 2019 йилда кўргазма ташкил этиб, фалса-фага бой, бадий ечим топган ҳайкал-лар билан бирга графикада чизган ишларимни ҳам илк бор намойиш эт-моқчиман. Ёш вақтимда кўпроқ китоб ўқийман. Китобнинг қадр-қиммати шундаки, бир ҳафта, бир ой ўқиб, бой таассуротларни қалбингизга го қи-ласиз. Шундай дорилмон кўнларга ет-казганига шукр қиламан. Рафиқам би-лан тўрт ўғил ва бир қизни воёга ет-каздик. Уларнинг қамоли бизни доимо янги ютуқларга илҳомлантиради.

Сарвара ҚОСИМОВА
суҳбатлашди.

ЗАМОН РАССОМ НИГОҲИДА

ижтимоий тармоқлар бугун жамият маънавий ҳаётининг ажралмас қисми-га айлانгани рост, лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор. Кўтнинг юзаси кўзга хуш ёқувчи оппоқ рангга бўлса-да, унинг ички қисми зулматга чўмган. Рассом бу орқали ижтимоий тармоқларнинг ижобий ва салбий томонлари борлигини таъкидлайди.

Виртуал олам ва инсон ўртасидаги ўзига хос муносабат россиялик ижодкор Анна Мартиненконинг “Мулоқот” ном-

дарҳол кўзга ташланмайдиган тағ маънога эга ифода воситаларидан фойдаланган. Унинг “Дунё овозлари” номли рангтас-вир ишларида юзлари яширин одамлар-нинг кўй ҳаракатлари тасвирланган. Син-қизил назар солинса, уларнинг ҳар бири алоҳида маънога эгалиги, айримлари маълум бир миллатларга тегишли экани маълум бўлади. Оммавий маданият ривожини миллий маданиятларга хос индивидуал-ликини қолдириб, уларнинг бир қолипга тўшиб қилишга сабаб бўлмоқда.

Алексей Румянцевлар эса бугунги кун муаммоларига мумтоз миниатюра тим-солида мувожаат қилган. Рассомлар Ка-молидин Беход қаламига мансуб ма-шҳур миниатюраларни танлаб олиб, улардан одамлар образини чиқариб ташлашган. “Шайбонийхон портрети-да”ги хон ўрни буш қолган, “Ҳавар-нақ саройининг қурилиши”да жапон ураётган қурувчилар қаргадир гойиб бўлишган, ёш маликалар ошён бўлган саройдаги катта ҳовуз эса хувиллаб

ётибди... Лойиҳа муаллифларининг таъ-кидлашича, бу ижодий эксперимент орқали бугун турли урушлар туфайли одамлар тарқ этган масканлар, найрон бўлаётган тарихий обидаларга билво-сита ишора қилинади.

Истеъодли рассом Аслиддин Кало-нов яратган композицияларда эса ҳико-вий ёндашув устувор. Биринчи карти-нада хазина қидираётган одамни ва унинг қаршисидаги тилла тангалар ин-сталляциясини кўрсак, иккинчи кар-тинада белкуракни елкасига қўйганча орқага қайтаётган номаълум кимса тас-вирланган: инсон ҳамиша ниманидир излайди, лекин доим ҳам ўз мақсади-га етгаврайди, деган мазмун бу асарга рамзий йўл билан сингдирилган.

Биеннале доирасида намойиш эти-лаётган барча ишларда ўзига хос ижо-дий ёндашувлар кузатилса-да, ўзбек ва хориж рассомларини бирдек қизиқти-рувчи мавзулар йўқ эмас. Илгор техно-логиялар ривожини, уларнинг жамият ҳаётига таъсири, экологик муаммолар билан боғлиқ долзарб мавзулар талқинида янги изланиш ва тенденциялар намоён бўлган. Жумладан, замонавий рассомлар орасида фото санъати, ме-

диа воситаларга эҳтиёж ортиб бораёт-гани сезилди. Ўзбек рассомларининг из-ланишларида эса ҳали тасвирий санъ-атнинг анъанавий йўналишлари таъси-ри кучли. Буни замонавий санъатимиз-га хос муҳим ҳусусиятлардан бири си-фатида баҳолаш мумкин. Зеро, ўзбек ижодкорлари янги тажрибаларни ўрга-ниш билан бирга, миллий анъаналар-ни сақлаб қолишни истайди.

Тошкент биенналеси доирасида Ўзбекистон Тасвирий санъат галере-яси, Ёшлар ижод саройи, Халқаро маданият қарвонсаройи, Фотосурат-лар уйи, шунингдек, Бухородаги Си-торай Моҳи Хосса саройи, вилоят ўлкашунослик музейи ва қадимий Арқ ҳудудида ҳам қизиқарли лойи-ҳалар тақдим этилди. Мухтасар айт-ганда, уларга рассомлар нигоҳидаги замон талқини сифатида баҳо бериш мумкин. Бу намойишлар томошабин-ларни, айниқса, ёшларни замонавий санъат оламида янада яқинлаштириб, долзарб аҳамиятга эга мавзулар ҳақида жиддий мушоҳада юритишга чорлашни тайин.

Азизхон ИМОМОВ

